


М. Холбеков

ЎЗБЕК  
АДАБИЁТИ  
ФРАНЦИЯДА

ТОШКЕНТ  
ЎЗБЕКИСТОН  «ФАН» НАШРИАТИ  
1988

Ўзбек адабиётининг Францияда ўрганилиши ва таржима қилиниши тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. XVII асрдаёқ Алмшер Навоий ва Бобур ижоди француз энциклопедияларида таъриф этила бошланган эди. Мазкур рисолада ўзбек классик ва совет адабиётининг француз тилига таржима қилиниши ҳамда ўзбек-француз адабий алоқалари тарихига доир материаллар илмий-оммавий усулда ёритилган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир  
филология фанлари доктори Ж. Ш. ШАРИПОВ

Тақризчилар:  
филология фанлари доктори Б. Н. ВАЛИХУЖАЕВ,  
филология фанлари кандидати И. К. МИРЗАЕВ

Мухаммаджан Нуркасымович Халбеков

## УЗБЕКСКАЯ ЛИТЕРАТУРА ВО ФРАНЦИИ

На узбекском языке

Ташкент, «Фан»

Ўзбекистон ~~Ф~~ ФА илмий-оммабон адабиётлар таҳрир  
ҳайъати томонидан нашрга тасдиқланган

Муҳаррир Х. Зарипова  
Рассом И. Циганов  
Техмуҳаррир О. Бакалова  
Корректор С. Зокирова

ИБ № 4520

Теринга берияди 21.12.87 й. Босишга рухсат этилди 18.01.88 й. Р16022.  
Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори  
босма. Шартли босма л. 2,94. Ҳисоб-нашриёт л. 3,2. Тиражи 2000. Заказ 15.  
Баҳоен 15 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти: 700047, Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.  
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси: Тошкент, М. Горький проспекти, 79.

X  $\frac{4603020100-3875}{M 455 (04)-88}$  рез. 88

ISBN 5.648.00202.5

© Ўзбекистон ~~Ф~~ «Фан» нашриёти, 1988 й.

## КИРИШ

Урта Осиё халқлари тарихи, маданияти ва адабиёти бой манба сифатида узоқ йиллардан буён Европа илм аҳлининг диққат-эътиборида бўлиб келди. Жумладан, ўзбек халқи тарихи, маданияти ва адабиётининг француз шарқшунослигида ўрганилиши ва француз тилига таржима қилиниши ҳам бир неча асрлик тарихга эгадир. Масалан, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижоди ва асарларидаги айрим сюжетларнинг XVII—XVIII асрлардаёқ француз китобхонига маълум бўлгани манбалардан бизга аён. 1697 йилда нашр этилган Бартолеме д'Ербелонинг «Шарқ кутубхонаси» номли энциклопедик асарида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг таърифланиши, Беруний, ал-Хоразмий, Улуғбек каби буюк алломалар фаолиятининг ёритилиши, Навоий ва Бобур ижоди ҳақидаги илк маълумотларнинг берилиши ўзбек халқи маданияти ва адабиётини ўрганиш борасидаги француз шарқшунослигининг дастлабки ютуғи эди.

XVIII асрдан бошлаб француз шарқшунослари ўзбек адабиётини илмий ўрганиш ва таржима қилишга киришдилар. 1726 йилда шарқшунос Бентенк солномачи Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» («Туркий халқлар тарихи») китобини француз тилига илк таржима қилди. Бу даврда яшаган француз маърифатпарвар адиблари Монтескье, Вольтер ва Руссо Шарқ адабиётининг улкан мухлиси сифатида Ҳофиз, Саъдий, Навоий асарлари билан яқиндан таниш бўлганлар.

XIX асрга келиб Париж Европа шарқшунослигининг марказига айланади. Бу ерда «Шарқ жонли тиллари мактаби» ташкил этилиб, унда фаолият кўрсатган С. де Саси, Э. Катремер, Ф. Белен, П. де Куртейль каби шарқшунослар Миллий кутубхона фондидаги арабча, форсча ва туркий тиллардаги қўлёзмаларни ўрганишга киришадилар. Тез орада «Осиё жамияти» ва унинг органи «Осиё журнали» ташкил қилиниб, журнал саҳифаларида Шарқ адабиёти ҳақидаги тадқиқот-

лар мунтазам эълон қилина боради. Бу даврда Навоий, Бобур ва Абулғози Баҳодирхон асарлари ҳақидаги илмий тадқиқотлар майдонга келади, улар қаламига мансуб қўлёзмалар нашр этилади ва француз тилига таржима қилинади. Эндиликда француз жамоатчилиги ўзбек классик адабиёти ҳақида бафуржа тушунчага эга бўлган эди. Кейинчалик ўзбек адабиётини Францияда ўрганиш ва таржима қилиш борасида Л. Бува, Ф. Гренард, Л. Базен, Ж—Л. Бакье-Грамон каби шарқшунослар кенг фаолият кўрсатдилар.

Утган асрда яшаб ижод қилган машҳур француз ёзувчиси Жюль Верн биринчилардан бўлиб, ўзбек халқи ҳаёти ва ўзбеклар юртини қаламга олди. Адибнинг «Клодиус Бомбарнак» романи қаҳрамонлари Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлишиб, маҳаллий аҳоли билан суҳбатда бўлдилар. XX асрда Жюль Верн ватандошлари, таниқли француз адиблари П. Вайян-Кутюрье, Ж.—П. Сартр, А. Вюрмсер, А. Стиль, П. Гамарра, К. Жоньер ва бошқалар Ўзбекистон диёрида бўлдилар, гуллаб-яшнаётган республикамизни, унинг меҳнатсевар халқини тараннум этувчи асарлар ёздилар. Машҳур француз ёзувчиси Луи Арагон ўзининг кўп миллатли совет адабиётига бағишланган «Совет адабиёти» номли монографиясида Алишер Навоий ижодига юксак баҳо берди, Ойбек, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон каби ўзбек совет адиблари номларини ҳурмат билан тилга олиб ўтди.

Совет ҳокимияти йилларида Ойбек, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, Зулфия, Уйғун, К. Яшин, Р. Файзий, А. Мухтор, О. Ёқубов, Э. Воҳидов, А. Орипов, У. Ҳошимов каби қаламкашларимиз асарлари француз тилига таржима қилинди. Бу борада рус адабиёти ва рус тилининг ролини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ зарур. Л. Арагон таърифлаганидек, рус тили орқали кўп миллатли совет адабиёти дурдоналари француз китобхонига етиб борди<sup>1</sup>, рус тили орқали Стендаль, Бальзак, Гюго, Дюма, Мериме, Флобер, Мопассан, Р. Роллан, Л. Арагон, А. Стиль каби француз адибларининг асарлари ўзбек тилига таржима қилинди ва севиб ўқилмоқда.

Ўзбек адабиётининг Францияда ўрганилиши ва француз тилига таржима қилиниши тарихини ёритмоқ ҳам адабиётшунослигимиз кун тартибидаги долзарб вазифалардан бирidir.

<sup>1</sup> «Литературная газета», 16 ноября 1977 г.

## АЛИШЕР НАВОИИ ИЖОДИ ФРАНЦИЯДА

Ўзбек адабиётига мансуб бадиий асарларнинг жаҳон халқлари тилларига таржима қилиниши тарихини Алишер Навоийнинг адабий меросидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Навоий қаламига мансуб бадиий асарлар фақат Шарқ халқлари ўртасидагина шуҳрат қозониб қолмасдан, Ғарб мамлакатлари, Европа халқлари орасида ҳам кенг тарқалди.

XVII асрга келиб, Шарқни илмий ўрганиш ва Шарқ халқлари адабиёти намуналарини таржима қилиш борасида француз шарқшунослари катта фаолият кўрсатдилар. Бу даврда француз сайёҳлари Ж. Тавернье (1605—1689) ва Ж. Шарден (1643—1713)ларнинг шарққа қилган саёҳати тафсилотлари китоб ҳолида босилиб чиқди. 1634 йилда Дю Рейэ Саъдийнинг «Гулистон» асарини, 1708 йилда А. Галан «Минг бир кеча»ни француз тилига таржима қилдилар. Шунингдек, бу йилларда Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий каби Шарқ тарихчилари асарларининг ҳам қўлёзма, ҳам таржималари француз илмий жамоатчилигига маълум эди. Мана шу бой материалларга асосланиб, француз олими Бартолеме д'Ербело де Моленвиль ўзининг «Шарқ кутубхонаси» номли энциклопедик асарини ёзади. Шарқ халқлари ҳаёти, тарихи ва маданиятини энциклопедик планда тасвирловчи бу китоб тез орада на фақат Францияда, балки бутун Европада ҳам шуҳрат қозонди.

Мазкур энциклопедияда Ўрта Осиё хонликлари тарихи, Темур ва унинг империяси, Абулқосим Бобур ва Ўлуғбек давлати ҳақидаги мақолалар билан бир қаторда Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, ал-Хоразмий каби шарқлик алломалар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган саҳифалар ҳам ўқувчини ўзига жалб этади. Шунингдек, энциклопедияда ўзбек классик адабиётининг ёрқин сиймолари Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳаёти, ижоди хусусида ҳам илк маълумотлар берилган. Масалан, китобнинг 99-саҳифасидаги «Алишер» номли кичик мақолада Навоийга қуйидагича таъриф берилган: «Алишер ёки Мир Алишер Навоий деб аташади. Бу ном «Али» ва «шер» сўзларидан таркиб топгандир... Алишер Хуросонда вазир бўлиб жуда катта обрў-эътибор қозонган. У йирик олим ва ширинсухан шахс бўлган. Ҳирот шаҳрида ўзининг бой кутубхонасини яратган ва унга шогирди тарихчи Хондамирни бошлиқ қилиб қолдирган». Ёки энциклопедиянинг 661-са-

ҳифасидаги «Навой» сўзи остида берилган мақолада ушбу сатрларни ўқиймиз: «Навой бу Низомиддин Мир Алишернинг тахаллуси бўлиб, Темур авлодидан бўлган шаҳзода Мирзо Султон Ҳусайннинг вазири эди. Навой ҳам туркийда, ҳам форсийда ажойиб шеърлар ёзган. Унинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий» ва «Сабъи сайёр» дostonлари бор. Бундан ташқари, у тўртта девон ёзиб қолдирган. Улар «Ғаройибус-сиғар», «Наводируш-шабоб», «Бадойиул-васат», «Фавойидул-кибар» деб номланиб, болаларга, ўсмирларга, ўрта ёшдаги кишиларга ва кексаларга аталгандир. Навой 906 ёки 912 ҳижрий йилда вафот этган».

Бу мақолада француз китобхони илк бор Навой ижодида асосий роль ўйнаган «Хамса»даги дostonларнинг номи ҳамда шоир қаламига мансуб тўртта девон билан танишмоқда. Тўғри, д'Ербело текстида «Хамса»нинг биринчи дostonи «Ҳайратул-аброр» тушиб қолган. Шу каби, «Хазойинул-маоний» девонлари ҳам нотўғри талқин этилган. Шунингдек, шоир вафотини кўрсатувчи иккинчи сана ҳам ноўрин келтирилган. Юқоридаги камчиликларни ҳисобга олмасак, д'Ербело қомусидаги мазкур мақолалар Навой ижоди билан француз жамоатчилигини илк дафъа таништирувчи манба сифатида қимматлидир.

XVIII асрнинг ўрталарида Ғарбий Европада, жумладан Францияда филоореанализм (Шарқни севиш ва уни ўрганиш) тенденцияси фан ва маданиятнинг феодализм тажовузи ҳамда диний жаҳолатга қарши курашида катта ижобий роль ўйнади<sup>1</sup>. Француз маърифатпарвар ёзувчилари Монтескье (1689—1755) «Эрон мактублари», Вольтер (1604—1778) «Муҳаммад ёки фанатизм», Дидро (1713—1784) «Бевафо жавоҳирлар» асарларида Шарқ мавзуини асосий мавзу қилиб олдилар. Шарқ мавзуга мурожаат қилиш, ҳатто Шарқ классиклари асарларидаги қизиқарли сюжетларни ўз китоблари мазмунига сингдириш анъанаси Вольтернинг фалсафий повестларида ҳам кўзга ташланади. Масалан, Шарқ фольклори, мифологияси ва адабиётини яхши билган адиб ўзининг «Задиг ёки тақдир» повестидаги мазмунни ўша пайтда Ғарбда машҳур бўлган табризлик Христафор Арманийнинг «Сарандип подшоши уч ўглининг саргузаштлари» (1557) номли асаридан

<sup>1</sup> Михайлов А. Д. Вольтер и его прозы. В кн.: Вольтер. Философские повести. М., 1985, с. 10.

олгани жамоатчиликка маълумдир. Бу асар нашр қилинганда, ҳатто унинг замондоши, таниқли танқидчи Фрерон ҳам адибни кўчирмачиликда айблаган эди<sup>2</sup>. Шарқшунос олимлар Е. Э. Бертельс ва Н. М. Маллаевларнинг ёзишича, Христафор Арманий ҳам ўз китобига бу сюжетни Хисрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт», Алишер Навоийнинг «Хамса»сидаги «Сабъаи сайёр» дostonлари мазмунидан эркин таржима қилиб олган<sup>3</sup>.

Христафор Арманийнинг мазкур асари дастлаб италянчага, 1719 йилда эса француз тилига таржима қилинган. Демак, Вольтер китобнинг французча варианты билан таниш бўлган ва унинг сюжетида ўз повестида фойдаланган.

Шунингдек, Вольтернинг замондоши, машҳур француз адиби Жан Жак Руссо (1712—1778) ҳам Шарқ классиклари асарларидан хабардор бўлгани маълум. Ёзувчи коллекциясини илмий жиҳатдан системалаштирган рус шарқшуноси Қ. Г. Залеманнинг тавсиф қилишича, унда туркий тилда ёзилган асарлар билан бир қаторда Алишер Навоий девони, Саъдий «Гулистон»нинг туркий таржимаси ва ўзбек адабиётининг бошқа ёдгорликлари ҳам учрайди<sup>4</sup>.

XVIII аср давомида фактларни тўплаш ва Шарқ мамлакатларидан олиб келинган ноёб қўлёзмаларнинг ортиб бориши шарқшунослик илмининг кейинги ривожига замин яратди. Асрнинг охирига келиб, Париж Фарб шарқшунослигининг марказларидан бирига айланади. 1795 йилда бу ерда «Шарқ жонли тиллари мактаби» очилади, 1821 йилда «Осиё жамияти» ташкил топади. 1823 йилдан шу жамиятнинг органи — «Осиё журнали» чиқа бошлайди. Бу даврда «Осиё жамияти» ва унинг органи «Осиё журнали» таҳрир ҳайъатининг аъзолари бўлган С. де Саси, А. Ж. Клопрот, Э. Катремер, А. Ремюзо каби шарқшунос олимлар ўзбек адабиётини ўрганиш ва ўзбек адиблари асарларини таржима қилиш борасида катта фаолият кўрсатдилар. Айниқса ўзбек адабиёти классиклари Алишер Навоий ва Бобур ижодини ўрганишга алоҳида эътибор берилди.

Шарқ жонли тиллари мактабининг асосчиларидан

<sup>2</sup> Уша асар, 523-бет.

<sup>3</sup> Бертельс Е. Э. Навои. Опыт творческой биографии. М.—Л., 1948, с. 79; Маллаев Н. М. Асарлар эътирофи ва таъзими. Тошкент, 1978, 18-бет.

<sup>4</sup> Каримов Ф. Халқ, тарих, адабиёт. Тошкент, 1977, 255-бет.

бири, таниқли шарқшунос Сильвестр де Саси (1758—1838) тадқиқотларида ҳам Навоий номини учратамиз. XIX асрда яшаган рус навоийшуноси Михаил Никитский ўз диссертациясида қайд қилишича, Сильвестр де Саси Давлатшоҳ Самарқандий ва Сом Мирзо маълумотларига асосланиб, туркий халқлар адабиёти асосчиларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида йирик асар ёзган<sup>5</sup>. У мазкур тадқиқотида Навоий ижодининг кўп қирралилигини, ўз миллий адабиётини ривожлантиришдаги хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтган. С. де Саси Навоийнинг таржимаи ҳолини батафсилроқ ҳикоя қилса-да, унинг асарларига илмий-танқидий фикрлар билдирмаган.

Навоий ижодини Францияда тарғиб ва ташвиқ қилишда Француз колледжининг профессори Этьен Катремер (1782—1857) катта ҳисса қўшди. У 1841 йилда ўзининг «Шарқий турк адабиёти хрестоматияси» номли китобини нашр эттирди. Мазкур хрестоматиянинг жилдида қуйидаги ёзувларни ўқиймиз: «Шарқий турк адабиёти хрестоматияси: Амир Алишер Навоий асарлари, Султон Бобур эсдаликларидан парчалар, «Мирожнома», «Тазкиратул-авлиё» ва «Бахтиёрнома» китобларидан олинган бобларни ўз ичига олади. Ундаги Алишер Навоий ҳаётига доир мақола, шунингдек китобдаги грамматик, фалсафий ва бошқа изоҳлар Э. Катремер томонидан ёзилган». Бу китоб хрестоматиянинг биринчи қисми бўлиб, унда фақат юқоридаги асарларнинг ўзбекча тексти берилган. Э. Катремер қаламига мансуб таржималар, мақола ҳамда изоҳлар биринчи қисмида йўқ. Хрестоматиянинг иккинчи қисми эълон қилинмаган. Бу ҳақда Э. Катремер кутубхонасининг каталогини нашр қилган М. Гальм ҳам бирон аниқ маълумот келтирмайди.

XIX асрнинг ўрталарига келиб Алишер Навоий ижодини кенг планда тадқиқ қилиш, унинг асарларини таҳлил ва таржима этиш Европа шарқшунослигида янгича услубга эга бўлди. Европада биринчи бўлиб, рус олими М. Никитский Навоий ижодига бағишланган «Амир Низомиддин Алишернинг адабий ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятининг аҳамияти» номли илмий ишини магистрлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилди. У ўз тадқиқотида биринчи бўлиб Алишер Навоийнинг шоирлик талантини тан олган ва унга

---

<sup>5</sup> Никитский М. Эмир Низамид-дин Алишер в государственном и литературном его значении. СПб., 1856, с. 3.



«...Мир Алишер Шарқ адабиёти тарихида шарафли ўрин эгаллайди», деб юқори баҳо берган.

М. Никитскийдан сўнг Европа шарқшунослигида, жумладан, француз шарқшунослигида Алишер Навоий ижоди ҳақида йирик тадқиқотлар яратган олим Франсуа-альфонс Белен (1817—1877) бўлди. Франсуа Белен ёшлигидан Француз колледжи ва Шарқ жонли тиллари мактабида С. де Саси, Ж.—Ж. Марсель, Э. Катремер каби олимлардан араб, форс ва туркий тилларни ўрганган. У дастлаб қирол саройида таржимон, кейин Франциянинг Қоҳирадаги элчихонасида таржимон-секретарь, 1852 йилдан эса Константинополдаги элчихонада таржимон-секретарь вазифасида ишлаган. 1868 йилдан то умрининг охирига қадар шу элчихонанинг бош консули лавозимида хизмат қилган.

Франсуа Беленнинг шарқшунослик фаолияти Париждаги Шарқ жонли тиллари мактабининг профессори А. Жобер билан ҳамкорликда Миллий кутубхонада сақланаётган араб, форс ва туркий тиллардаги қўлёзмаларни нашр қилишдан бошланади. Улар 1841 йилда Мирхонднинг «Чингизхон ҳаёти» ва «Сосонийлар тарихи» рисолаларини, кейинчалик «Шарқий турк адабиёти хрестоматияси» ҳамда Улуғбекнинг «Зижи Курагоний» жадвалининг «Муқаддима» қисмини (А. Седийо билан) нашр этдилар.

Франсуа Белен ўзининг Мисрга қилган сафари пайтида Навоий «Куллиёти»ни қўлга киритади. Мазкур «Куллиёт» 1649 йилда (ҳижрий 1059) Машҳадда кўчирилган бўлиб, У Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган ва 1526 йилда (ҳижрий 930—933) Ҳиротда кўчирилган нусхасидек мукамал эмасди. Белен Навоийнинг бу икки «Куллиёт»ига, Хондамир, Шарафиддин Али Яздий, Давлатшоҳ Самарқандий ва Сом Мирзоларнинг Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган асарлари, шунингдек, С. де Саси, Э. Катремер, Ш. Шефер, Б. де Мейнар каби француз шарқшуносларининг Шарқ халқлари тарихи, маданияти ва адабиётига бағишлаб ёзилган илмий асарларига таяниб Навоий ижодини ўрганиш ва тадқиқ қилишга киришади.

1861 йил «Осиё журнали»нинг февраль-март ва апрель-май сонларида Беленнинг «Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодидан лавҳалар» номли биринчи тадқиқоти босилиб чиқади, мазкур тадқиқот икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида атрофлича фикр юритилди. Иккинчи қисмда эса, мунаққид Навоий «Кулли-

ёт»идаги «Мажолисун-нафоис» ва «Хамсатул-мутахаййирин» асарларидан парчалар келтириб, француз тилига таржима қилади ва таржималарини изоҳлар билан таъминлайди. Масалан, журналнинг 300—357-саҳифаларидан ўрин олган «Хамсатул-мутахаййирин»нинг французча таржимасига 150 дан ортиқ изоҳ ёзилган. Авторнинг таъкидлашича, у таржимани асарнинг Миллий кутубхонада сақланаётган қўлёзмасидан французчага ўгирган. Французча текст кўпроқ илмий услубда амалга оширилган.

1866 йил «Осиё журнали»да Беленнинг «Шарқ донолари» туркумида ёзилган «Мир Алишер Навоийнинг фазилатлари, эстетик ва фалсафий қарашлари» номли иккинчи тадқиқоти эълон қилинади. Тадқиқотнинг дастлабки саккиз саҳифаси «Маҳбубул-қулуб» асарининг таҳлилига бағишланган, қолган эллик саҳифа мазкур китобнинг французча таржимаси ва унга ёзилган изоҳлардан иборат. Мутаржим асарни тўлиқ таржима қилмаган, балки ўзига маъқул бўлган бобларининг гина французчага ўгирган.

Белен «Маҳбубул-қулуб» асари устида олиб борган тадқиқотини давом эттиради. У 1872 йилда турк олими Аҳмад Вофиқ афанди билан ҳамкорликда «Маҳбубул-қулуб»нинг қўлёзма текстини нашр қилдиради. Мазкур нашр ҳақида «Осиё журнали»нинг 1874 йил 3-томида профессор Паве де Куртейлнинг тақризи ҳам босилиб чиққанди.

Француз олими юқоридаги тадқиқотларида Алишер Навоийнинг ўз замонасида тутган мавқеини, унинг шоирлик иқтидорини тўғри баҳолай олди. Тадқиқотчи, Навоий «миллий тилдан фойдаланиб, унинг бойлигини фавқулодда кенг кўламда намойиш этиб, чинакам ватанпарварлик намунасини кўрсатди», шунингдек, «Алишер Навоий замонасининг энг таниқли ва нуфузли шоирларидан бири эди», деган ҳаққоний хулосалар чиқарди. Бироқ, Белен Навоий ижодига, унинг асарларига реал баҳо бера олмади. Профессор Е. Э. Бертельс таъкидлаганидек, «икки нотўғри фикр Белен томонидан енгил-елпи баён қилинганди: Султон Ҳусайн ва Навоий дўстлигининг ортиқча идеаллаштирилиб кўрсатилиши ҳамда шоир ижодининг бутунисича тақлидчилик сифатида баҳоланишидир»<sup>6</sup>. Шунингдек, Беленнинг ёзишича, «Навоий ўз даврининг етук олими ва Хисрав Деҳлавий, Низомий ҳамда Жомийларнинг тар-

<sup>6</sup> Бертельс Е. Э. Навои. Опыт творческой биографии. М.—Л., 1948, с. 48.

жимони эди, уларга тақлид қилишдан, уларни бадий ижодда раҳнамо деб билишдан фахрланарди». Белен тадқиқотларида айтилган бу хато фикрлар таниқли совет шарқшуноси, профессор А. К. Боровков томонидан ўз вақтида танқид қилиб ўтилди<sup>7</sup>. Камчиликлардан қатъи назар, Беленнинг юқоридаги тадқиқотлари Европа шарқшунослигида етакчи ўрин эгаллаб келди. Кейинчалик Э. Блоше ва Л. Бува каби француз туркологлари Навоий ижодига мурожаат қилганларида Белен тадқиқотларига суйандилар, унинг фикрларини тасдиқладилар.

Алишер Навоий асарларининг Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган қўлёзмаларини тавсиф қилиш ва тартиб бериш билан дастлаб Ш. Шефер, кейинчалик Э. Блоше шуғулланди. 1900 йилда нашр этилган Ш. Шефернинг «Араб, форс ва туркий тиллардаги қўлёзмалар мажмуаси каталоги»да Навоий қаламига мансуб асарларнинг 16 та қўлёзмаси келтириб ўтилган бўлса, Э. Блошенинг «Миллий кутубхонада сақланаётган туркий қўлёзмалар каталогида» эса адиб асарларининг 35 та қўлёзмаси тавсиф қилинган<sup>8</sup>.

1926 йилда Э. Блошенинг «Миллий кутубхонада сақланаётган туркий қўлёзмалардаги миниатюралар» номли яна бир каталоги босилиб чиқди. Э. Блоше ҳам Навоий ижодини баҳолашда Белен фикрига таяниб, адибни форс-тожик адабиётининг тақлидчиси сифатида тан олади, унинг асарларида янги фикр ва ғоянинг йўқлигини таъкидлаб ўтади.

Француз шарқшунослигида Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш Люсьен Бува (1872—1942) ишларида давом эттирилди. У 1902 йилда Парижда бўлиб ўтган шарқшунослар анжуманида Навоийнинг «Муҳокаматуллуғатайн» асарининг янги топилган қўлёзмаси хусусида доклад қилади. 1926 йил «Осиё журнали»нинг 19-томидан унинг «Темурийлар даври цивилизациясидан лавҳалар» номли мақоласи босилиб чиқади. Мазкур мақолада Л. Бува темурийлар даври фани, маданияти, санъати ва адабиёти хусусида алоҳида тўхталиб, бу давр форс-тожик ва туркийзабон шоирларнинг ижодини ёритишга ҳаракат қилган. Айниқса, у Алишер На-

---

<sup>7</sup> Боровков А. К. Изучение жизни и творчества Алишера Навои. В кн.: Родоначальник узбекской литературы. Ташкент, 1940, с. 19—20.

<sup>8</sup> Қаранг: Холбеков М. Парижнинг Миллий кутубхонасида сақланаётган Шарқ қўлёзмалари каталоги.— «Ўзбек тили ва адабиёти», 1985, 5-сон, 55—57-бетлар.

воий фаолияти ва унинг асарлари таҳлиliga бирмунча кенгроқ тўхталиб ўтган, шоир олий унвон ва мансабга интилмайдиган камтарин инсон, ватанпарвар шахс қиёфасида талқин қилинган. Шунингдек, шоир ўз устозлари Хисрав Деҳлавий, Низомий ва Жомийлар салоҳиятини ҳурмат қилганлиги, ўзининг «Мажолисун-нафос» асарида улар ижодига юксак баҳо бериб ўтганлиги ҳам француз шарқшуносининг назаридан четда қолмаган. Бироқ, Бува ҳам Навоий ижодига, унинг асарларининг ғоявий-бадий қимматига реал баҳо бера олмаган. Унинг таърифича ҳам, Навоий ўз ўтмишдошлари — форс-тожик адабиёти классиклари ижодининг тақлидчиси ва таржимони бўлиб қолаверган. Бува Навоийнинг «Маҳбул-қулуб» асарини Носир Хисравнинг «Саодатнома», «Лисонут-тайр»ни Фариддин Атторнинг «Мантқиқут-тайр» асарларининг тақлиди ва таржимаси, «Ҳайратул-аброр»ни эса турли форсий манбалардан олинган мажмуадир, дея ўз фикрини исботлашга уринган.

Люсьен Бува мазкур мақоласини 1927 йилда «Жаҳон тарихи» сериясида нашр қилдирган «Мўғул империяси» номли монографиясига ҳам киритган. Академик В. В. Бартольд бу китобга ёзган тақризида Буванинг Темур ва темурийлар сулоласи тарихини ёритишда илмий ёндошмаганини, фақат Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, Навоий ва Бобур асарларигагина таяниб қолганини танқид қилган эди.

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрда француз шарқшунослиги Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва оммалаштиришда кенг фаолият кўрсатди. С. де Саси, Э. Катремер ва Ф. Белен тадқиқотларида Навоий ижоди тарихий планда ёритилди, улар адиб асарларини таржима қилдилар ва нашр эттирдилар. Э. Блоше, Л. Бува каби шарқшунослар Навоий ҳақида ўз фикрларини баён қилган бўлсалар ҳам, улар шоир қиёфасини янги босқичда таърифлай олмадилар. XIX аср француз шарқшунослиги чизиб қолдирган йўлни давом эттирдилар. Оқибат, асримизнинг эллигинчи йилларигача француз шарқшунослигида Навоий форс-тожик адабиётининг «таржимони» ва «тақлидчиси» деган нотўғри тезис ҳукмрон бўлиб келди.

Навоий ижодига ҳаққоний реалистик баҳони француз адабиётшунослигида машҳур француз адиби Луи Арагон бериб ўтди. Луи Арагон (1897—1982) ўзининг 1955 йилда Париждаги «Деноёл» нашриётида босилиб чиққан «Совет адабиёти» номли монографиясида кўп

миллатли совет адабиётини илмий-танқидий аспектда ёритиб берди. Қитобда у ёки бу ёзувчи ижоди ҳақида фикр юритар экан, муаллиф даставвал ёзувчи мансуб халқнинг ўтмиши ва бугунги ҳаёти, адабий муҳити хусусида ҳам тўхталиб ўтади. Таниқли француз танқидчиси Ж. Фревилъ сўзи билан айтганда, Арагон «бу китоби билан французларга ҳали маълум бўлмаган бир қатор миллат ва элатлар юртига эшик очиб берган эди». Масалан, монографиядан ўрин олган «Навоий» номли мақола қуйидаги сатрлар билан бошланади: «Ўзбекистон ҳақида гап кетганида бу ўлканинг Алишер Навоий юрти экани беихтиёр ёдимизга тушади. Бугун бу республика пахта макони, пойтахти Тошкент эса боғу роғларга кон шаҳардир».

Луи Арагон Навоий яшаган даврда Урта Осиё территориясида ҳали темурийлар сулоласи давом этгани, Самарқанд ва Хиротда фан ва маданият тараққий қилиб, шоир улардан баҳраманд бўлганлигини таъкидлаб ўтади. Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида аниқ маълумотларни келтираркан, Арагон проф. Е. Э. Бертельснинг «Навоий» монографиясидан, Ойбек ва Ғ. Ғулумнинг шоир ҳақидаги мақолаларидан фойдаланганлигини ҳам қайд қилади. Арагон Навоий ижоди ҳақида фикр юртишда В. В. Бартольд, Е. Э. Бертельс, А. К. Боровковларнинг Ф. Белен, Э. Блоше, Л. Бува томонидан айтилган юқоридаги нотўғри тезисига қарши танқидий фикрларидан хулоса қилиб, адиб ижодига реал баҳо берди. «Навоий,— деб ёзади Арагон,— Саъдий ва Фаридиддин Аттор шеърятини, айниқса, XII асрда яшаб ижод қилган озарбайжон шоири Низомий ижоди изидан бориб, унинг «Хамса»си анъаналарини давом эттирганини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Худди шу ҳолни француз ўрта аср адабиётидан то Ренессанс давригача, яъни Кретьен де Труадан (XII аср) то Пьер Ронсаргача (XVI аср) бўлган адиблар ижодида ҳам кузатиш мумкин. Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достони мазмунини Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достони сюжетидан олади. Бироқ, адиб уни ўз она тилида, яъни туркийда битади, туркий тилнинг энг нозик хислатларини намоён этади»<sup>9</sup>.

Мақола давомида, автор Навоийнинг соф туркийда оригинал асарлар яратганлигини яна бир қарра тасдиқлаш ва ўз ўқувчисига етказиш мақсадида «Фарҳод

<sup>9</sup> Қаранг: Арагон Л. Навоий («Совет адабиёти» китобидан парча).— «Шарқ юлдузи», 1987, 4-сон, 180-бет.

ва Ширин» достонидаги қуйидаги мисраларни французча таржимада келтириб ўтган:

Деёлмасменки Хисрав ё Низомий,  
Ва ё назм аҳлининг сархайли Жомий.

Низомий олса Бардаъ бирла Ганжа,  
Қадам Рус аҳлига ҳам қилса ранжа,  
Чекиб Хисрав доғи тиғи забонни,  
Юриб фатҳ айласа Ҳиндустонни.  
Яна Жомий Ажамда урса навбат,  
Арабда доғи чолса қуси шавкат.

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,  
Муайян турк улуси худ менингдур.  
Олибмен тахти фармонимга осон,  
Черик чекмай Хитодин то Хуросон,  
Хуросон демаким, Шерозу Табрез,  
Ки қилмишдур найи қилким шакаррез.  
Қўнгул бермиш сўзимга турк жон ҳам,  
Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам...<sup>10</sup>

Луи Арагон Алишер Навоийнинг давлат арбоби, маданият ҳомийси сифатида муҳим тарихий хизматларини ҳам таъкидлаб ўтади. Масалан, унинг вазирлик чоғида эл-юрт фаровонлиги, халқ осойишталиги йўлидаги фаолиятига шундай таъриф беради: «Навоий бадавлат бўлишига қарамай, вазир амалида адолатпарвар, ўз халқининг истаги ва талабини қондиришга интиланган шахс эди. Тўғриси, уни том маънодаги демократ адиб деб бўлмайди, бироқ у замонасининг прогрессив кишиси бўлган ва гўзалликни, илму маърифатни, шеърятни, санъатни жуда қадрлаган. Шу хислатлари билан ҳам у Ренессанс кишиларига жуда яқин турган»<sup>11</sup>.

Дарҳақиқат, Ренессанс даври Фарб адабиёти вакиллари ҳам ўз дунёқараши билан демократик идеалларга яқин бўлган, улар ижодида замонасининг энг прогрессив ғоялари тараннум этилган. Академик В. И. Жирмунский таърифлаганидек, «Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони шоир идеологиясининг асосий интилишлари бўйича Ренессансга яқинлигини тўлароқ ақс эттиради. Унда Навоий Ренессанс давридаги одамнинг гуманистик идеалларини гавдалантирар экан»<sup>12</sup>. Бу эса Луи Арагон фикрининг тамомила ҳақлигини исботлайди.

<sup>10</sup> Алишер Навоий. Хамса. Тошкент, 1960, 335-бет.

<sup>11</sup> Агагон Л. Litteratures sovietiques, Paris, 1955, p. 96.

<sup>12</sup> Жирмунский В. М. Сравнительное литературоведение. Запад и Восток. Л., 1979, с. 179.

Луи Арагон қайд қилганидек, Навоий адабий мероси асрлар оша халқ қалбида яшаб келди ва яшамоқда. «Бугунги кунда,— деб ёзади адиб,— Чирчиқ воҳасининг гўзал боғларида, Самарқанд ва Бухоро пахтазорларида, Хоразм ва Аму бўйларида, Фарғона диёрида Навоий номини ҳурмат билан тилга олишади. Бугун у Пушкин ва Шевченко билан қадрдон, Низомий ва Руставели каби классиклар қаторида туради, унинг асарлари «Қалевала» ва «Игорь жангномаси» дostonларидек севиб ўқилади. Навоий жаҳон шоирлари даврасида ўз ғазалларини бор овоз билан ўқимоқда. Замонамининг машҳур шоирлари — чилилик Неруда, прагалик Незвал, кубалик Гильен, испаниялик Альберти, филадельфиялик Лонгфелло, ватанидан қувилган Нозим Ҳикмат унга таъзим қилиб турибдилар»...<sup>13</sup> Машҳур француз адиби Луи Арагоннинг Алишер Навоий ижоди ҳақида айтган бу илиқ сўзлари адиб меросининг жаҳон адабиётида тутган саодатли тақдиридан дарак берувчи ёрқин далилдир.

Алишер Навоий ижодини чет эл китобхонларига етказишда ва тарғиб қилишда инглиз, немис, француз, испан, поляк, венгер, чех, словак тилларида чиқадиган «Совет адабиёти» («Леттр советик») журнали ҳам катта фаолият кўрсатиб келмоқда. Журналнинг французча нашри ўзининг 1945 йил 7-сонида Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» дostonининг русчага қилинган таржимасига тақриз эълон қилди. Тақризда «Лайли ва Мажнун» дostonи сюжети хусусида фикр юритилиши билан бирга, «унинг ишқ-муҳаббат мавзуида ёзилган машҳур «Ромео ва Жульетта» ҳамда «Тристан ва Изольда» асарларидек буюклиги» ҳам алоҳида қайд қилинди.

1946 йилда журнал саҳифасида адабиётшунос Л. Батнинг тақризи босилди. Тақризда атоқли ўзбек ёзувчиси Ойбекнинг «Навоий» романи ва унинг рус тилига қилинган таржимаси хусусида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, 1948 йилда шу журналнинг 1-сонида Л. Батнинг «Алишер Навоий» фильмининг яратилиши муносабати билан босилган яна бир тақриз эълон қилинди. Бу тақриз ҳам ўз мазмуни билан характерлидир.

1948 йилда совет халқи Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини зўр тантана билан нишонлади. Шу муносабат билан халқларимиз тилларида Навоий асарлари, унинг ҳаёти ва ижодига доир мақолалар босилди.

<sup>13</sup> «Шарқ юлдузи», 1987, 4-сон, 181-бет.

«Совет адабиёти» журналининг французча нашрида ҳам юбилей муносабати билан «Фарҳод ва Ширин» достонидан олинган Шириннинг Фарҳодга мактуби боби Пьер Люкье таржимасида эълон қилинди. Журнал ўша йилги 6-сонида Навоий юбилейи тантаналарининг республикамизда қандай нишонланганини ҳикоя қилувчи редакцион мақоласини ҳам чоп этди.

Шундай қилиб, француз шарқшунослиги ва адабий жамоатчилигида Навоий ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш ўз тарихи ва традицияларига эгадир, дея хулоса қилсак бўлади. Луи Арагондек забардаст ёзувчининг Навоий ижодига берган реалистик баҳоси француз адабиётшунослигида адиб ижодига берилган ҳаққоний ва ҳал қилувчи баҳодир.

### **Бобур ва «Бобурнома» француз шарқшунослиги саҳифаларида**

Алишер Навойдан сўнг ўз ижоди билан жаҳон адабиёти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган йирик ўзбек адиби Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Бобур ўз даврининг баркамол ва қомусий билимга эга бўлган кишиси, санъат шайдоси, соҳиби ҳамда оташин қалбли ёзувчи ва шоири эди.

Юксак ақл-идроки, букилмас иродаси ва ғайратшижоати гуфайли Бобур Мовароуннаҳрда эриша олмаган мақсадига Ҳиндистонда эришди. У Ҳиндистон тарихида прогрессив роль ўйнаган марказлашган ҳинд давлатига асос солди. Таниқли ҳинд давлат арбоби Жавоҳарлал Неру Бобурнинг ижобий фазилатлари ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: «Бобур Уйғониш даврининг типик вакили, довюрак, заковатли ва тadbиркор шахс бўлган, у санъатни севган, ҳаёт нафосатидан лаззатлана билган»<sup>14</sup>.

Бобур адабиёт, санъат, тарих ва илм-фаннинг турли соҳаларида бебаҳо асарлар яратди. Унинг энг йирик ва юксак маҳорат билан ёзилган асари «Бобурнома»дир. Европалик шарқшунослар П. де Куртейль, Г. Вамбери, Эльфинстон ва бошқалар бу асарни қадимги Рим императори Юлий Цезарнинг «Хотиралар» китоби билан бир қаторга қўйиб баҳолаган эдилар.

Таниқли рус олими, академик В. В. Бартольд таърифлаганидек, туркий тиллардаги насрнинг энг яхши намуналаридан бўлган «Бобурнома»да автор Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистонда кечирган умри, кўрган ва иштирок этган воқеаларини ҳикоя қилиш

<sup>14</sup> Д. ж. Неру. Открытие Индии. М., 1955, с. 272.



билан бирга шу ўлкалар тарихи, географияси, этнографияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида ҳам бой маълумотлар берган. Шу боисдан ҳам «Бобурнома» яратилган даврдан бошлаб олимлар диққатини ўзига жалб этиб келди. Бобур фаолияти ва адабий меросини ўрганувчи қатор тадқиқотлар яратилди. Унинг асарлари турли тилларга таржима қилинди ва нашр этилди.

Европа илм аҳлига Бобур ҳақида илк бор маълумот берган француз шарқшуноси Бартолеме д'Ербело ҳисобланади. Д'Ербело ўзининг «Шарқ кутубхонаси» энциклопедиясидаги «Бобур ёки Бобар» номли мақоласида Бобурнинг ҳаёти, унинг давлати ва саркардалиқ маҳорати, адабиёт ва санъатга қизиқувчи илгор фикрли киши бўлгани ҳақида маълумот бериб ўтади. Бобур ва унинг «Бобурнома» асарини Европага биринчи бўлиб танитган голланд олими Витсен бўлди. Витсен «Бобурнома»дан олинган айрим парчаларни таржима қилиб, 1705 йилда нашр эттирди.

Француз шарқшунослигида Бобур ижодини ўрганиш, у ҳақда тадқиқотлар ёзиш XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. 1773 йилда шарқшунос А. де Лонгперье ўзининг «Асарлар» тўпламида «Хатт-и Бобур ҳақинда» мақоласини эълон қилди. Муаллиф «Хатт-и бобурий» хусусида фикр юритаркан, Бобур алифбеси мураккаб араб алифбесидан ўзининг соддалиги ва ёзувга қулайлиги билан фарқ қилишини таъкидлаб ўтади.

XIX асрга келиб француз шарқшунослигида Бобур ижодини ўрганиш ва унинг асарларини таржима қилиш борасида янги давр бошланади. Бу йилларда «Бобурнома»ни француз тилига таржима қилиш, унинг лисоний хусусиятларини ўрганиш, сиёсий-тарихий моҳиятини очиб беришда француз олимлари эътиборга молик ишларни амалга оширдилар.

«Бобурнома»ни француз тилига таржима ва тадқиқ қилишга шарқшунос Анри Жюль Клапрот (1783—1835) биринчилардан бўлиб киришди. 1824 йилда А. Ж. Клапротнинг «Султон Бобур ёки «Бобурнома» тарихига доир кузатишлар» номли мақоласи босилиб чиқди. Урта Осиё ва Сибирь халқлари тарихи, маданияти ва адабиётини яхши билган Клапрот француз шарқшунослигида «Бобурнома» хусусида илк бор тўлақонли фикр юритди. У асардан айрим бобларни француз тилига таржима қилиб, ўз таржималарини асл нусха билан қиёсий таҳлил этиб, тегишли хулосалар чиқарди.

1854 йилда Парижда «Ҳозирги ва қадимги тарихий шахслар биографияси» номли китоб чоп этилди. Француз шарқшуноси М. Ланглэ (1763—1824)нинг «Бобур ҳаёти ва ижоди» ҳақидаги мақоласи мазкур китобдан ўрин олган. Мақолада Бобур ҳақидаги аввалги манбаларга нисбатан анча бой материаллар берилган, ўқувчи ўқиб, ундан адиб ҳаёти ва ижоди тўғрисида чуқуроқ билим олади.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида нашр этилган ўн етти томлик «XIX аср катта энциклопедик луғати»нинг иккинчи тоmidан ўрин олган француз лексикографи Пьер Ларусснинг «Муҳаммад Бобур» мақоласи ҳам диққатга сазовордир. «Муҳаммад Бобур Темурлангнинг невараси бўлиб, 1483 йилда туғилган,— деб бошланади мақола.— 1494 йилда тартарлар (бу ерда ўзбеклар маъносидан.— М. Х.) юртининг ғарбида ва Хуросонда тахтга ўтирди. Ҳиндистонда мўғуллар империясини барпо этди. 1525 йилда ўн минг отлиқ суворийлар билан Ҳиндистонни эгаллаб, Қандахор, Кобул, Деҳли, Агра шаҳарларини ўзига бўйсундирди. XVIII асргача Ҳиндистонда бобурийлар династияси ҳукмронлик қилди. Бобур 1530 йилда вафот этди». Ушбу сатрлардан сўнг мақолада «Бобурнома» хусусида фикр юритилади. Мақола муаллифи асарнинг ёзилиши ва бошқа тилларга таржима қилиниши тарихига тўхталиб, «бу асар, дарҳақиқат, жуда қизиқарли бўлиб, ҳали Францияда қарийб маълум эмасдир. Туркий-чиғатой тилида ёзилган бу китоб дастлаб форсийга таржима қилинди ва Ҳиндистон мусулмонлари орасида шуҳрат топди»,— деб ёзади.

Муаллиф «Бобурнома»нинг ёзилиши ҳақида эса ўз фикрини қуйидагича баён қилган: «Бобурда «Бобурнома»ни ёзиш фикри ҳаётининг қайси йилларида туғилганлиги номаълум, бу ҳақда китобнинг бирон жойида ҳам ёзилмаган. Бизнингча, Бобур ўз асарини Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган йилларида ёзган бўлиши керак». Дарҳақиқат, «Бобурнома»нинг қачон ёзилганлигини аниқ айтувчи маълумотлар ҳозирча йўқ. Бобур даври адабиётини чуқур ўрганган ўзбек олими, профессор Н. Маллаев бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Бобур сиёсий фаолиятининг дастлабки йилларидан бошлаб ўз саргузаштлари ва турли хил тарихий воқеаларни хотира дафтарида акс эттириб борган ва кейинчалик мана шу хотира дафтари «Бобурнома»ни яратишга асос бўлиб хизмат қилган. Бобурнинг «Бобурнома»ни қачон ёзишга киришгани маълум эмас. Бироқ асарнинг

айрим ўринлари унинг кўпроқ қисми Ҳиндистонда ёзилгани ёки қайта таҳрир қилинганини кўрсатади»<sup>15</sup>. Юқоридаги икки фикр бир-бирига яқиндир.

Пьер Ларусс энциклопедиясидаги мақола муаллифи «Бобурнома» тексти хусусида фикр юритаркан, реал хулосалар чиқаришга ҳаракат қилган. «Услуги жиҳатдан,— ёзади автор,— асарнинг биринчи ва иккинчи қисмининг бошланиши жуда қизиқарли ёзилган, воқеалар деталларга бой, хронологик изчил, ифода соддалиги ва равонлигига катта эътибор берилган». Шунингдек, мақолада «Бобурнома»га чизилган миниатюралар хусусида ҳам ижобий фикрлар билдирилган, Бобурнинг Афғонистон ва Ҳиндистонга қилган юришлари расмларда жуда жонли тасвир этилганлиги ҳам қайд қилинган.

Венгер шарқшуноси Г. Вамбери 1873 йилда Петербургда нашр эттирган «Бухоро ва Трансаксония тарихи» асарида «Бобурнома»ни «Шарқ Цезарининг хотиралари» деб баҳолаган эди. Диққатга сазовор томони шундаки, Пьер Ларусс қомусидаги мақолада эса бу ҳақда Вамберидан олдинроқ қўйидагича таъриф берилган: «Уқувчида «Бобурнома» худди Рим императори Цезарь «Хотиралар»ини эслатади. Ҳа, Цезарь «Хотиралар»и билан бу асар ўртасида кўп ўхшашликларни кузатиш мумкин. Иккала автор ҳам воқеалар баёнига, реаллигига бир хил тасвирда ёндашадилар, иккаласида ҳам уруш тактикаси бир хил аниқликда, талабчанликда ёритилган, географик жойлар тасвирини беришда айрим яқинликлар ҳам мавжуд. Бироқ, татар (бу ерда «ўзбек» маъносида) ҳукмрони (Бобур — М. Х.) қаламида қаҳрамонлар кайфиятини, ички ва ташқи дунёсини чизишдаги маҳорат Рим ҳукмрониникига қараганда устунроқ, биринчиси мароқли ва жозибали бадий услуб билан турли хил саргузаштларни, ривоят ва латифалар, халқ юмори, мақол ва маталлар иштирокида бадийлаштиради». Мақола сўнгида «Бобурнома»нинг форсча ва инглизча таржималари, бу таржималардаги айрим камчиликлар хусусида ҳам фикр билдирилган.

Бобур ижодини ўрганиш, «Бобурнома»ни таржима ва лисоний таҳлил қилишда француз туркологини Анри Паве де Куртейль (1821—1889)нинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Дарҳақиқат, «Француз

<sup>15</sup> Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1976, 593-бет.

колледжи»даги туркий тиллар кафедрасининг профессори, Француз академиясининг аъзоси ва Петербург академиясининг мухбир аъзоси бўлган Паве де Куртейль Францияда туркология фанининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди<sup>16</sup>. Паве де Куртейлнинг туркологиядаги фаолиятида у тузган «Шарқий турк луғати», яъни «Алишер Навоий, Абулғози Баҳодирхон ва Бобур асарларини ўқиш учун изоҳли луғат»и алоҳида аҳамиятга эгадир.

Олим луғат тузишда Алишер Навоийнинг «Хазойинул-маоний» девонлари, «Хамса»си, Бобурнинг «Бобурнома»си, Абулғозихоннинг «Шажараи тарокима» асарлари текстидан фойдаланган. Луғатдаги олти мингдан ортиқ эски ўзбек тилига оид сўзларни французчага ўтиришда олим ижодий ёндошиб, ҳар бир сўзнинг маъносини аниқ, атрофлича изоҳлашга ҳаракат қилган. Академик А. Н. Кононов таъкидлаганидек, мазкур луғат эски ўзбек тили ва адабиётини ўрганишда то ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотган эмас<sup>17</sup>.

Бу катта тайёргарлик, эски ўзбек тили ва адабиёти соҳасидаги пухта билими Паве де Куртейлни «Бобурнома»ни таржима қилишга ундаган эди. 1871 йилда «Бобурнома»нинг Паве де Куртейль таржимаси икки томда нашрдан чиқди. Ҳар иккала том 930 саҳифани ташкил этди. Биринчи томда таржимоннинг ўн олти саҳифалик сўз бошиси берилган. Сўз бошида «Бобурнома»нинг ёзилиши тарихи, унда тасвир этилган асосий даврлар, Бобуршоҳнинг Афғонистон ва Ҳиндистонда барпо этган империяси хусусида маълумотлар берилган. Сўз боши қуйидаги сатрлар билан бошланади: «Мен таржима қилган бу асар фақат шарқшунослар учунгина эмас, балки тарих ва география илми билан шуғулланувчи кишилар учун ҳам фойдалидир. Унда XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган давлат арбоблари, ҳукмдорлари ҳаёти ва фаолияти, шарқий турк адабиётининг олтин даври тасвири, шаҳзодалар, беклар ҳамда фуқаронинг турмуши ўз таърифини олгандир». Шунингдек, унда Бобурнинг тахтга ўтириш давридан то Ҳиндистонни забт этгунига қадар босиб ўтган йўли ҳикоя қилинган, айниқса «Бобурнома» таърифига кенг ўрин берилган. Маълумки, инсон ва воқеликни реалистик тасвирлаш Бобур тили,

<sup>16</sup> Қаранг: Умаров Э. А. Паве де Куртейль — лексикограф. — «Советская тюркология», 1981, № 6, с. 72—77.

<sup>17</sup> Кононов А. Н. Очерк истории изучения турецкого языка. Л., 1976, с. 25.

услубининг соддалиги, мазмундорлиги, ихчам ва аниқлигида ҳам кўринади. «Бобурнома»нинг тили халқ тилига, қолаверса ўша давр йирик шоирлари ва ёзувчилари тилига яқиндир. Бу ҳақда Паве де Куртейль шундай ёзади: «Бобур тили усмонли турк тили эмас, балки соф туркий тил (ўзбек тили — М. Х.) бўлиб, ҳар қандай араб ва форсий иборалардан холидир. Бу тил ўртаосиёлик шоирлар Лутфий, Навоий, Султон Ҳусайн, Мир Ҳайдар тили бўлиб, жуда содда, бой ҳамда ифодалидир».

Юқорида қайд этганимиздек, ғарблик бир қатор олимлар «Бобурнома»нинг яратилишини Бобур Ҳиндистонда ҳукмрон бўлган давр билан боғлайдилар. Француз таржимони бу борада қуйидаги фикрни айтади: «Агар мендан «Бобурнома» қайси даврда ёзилган, деб сўрасалар, мен бу китоб Бобур Ҳиндистонни забт этгандан сўнг, яъни 1526 йилдан бошлаб ёзилган ва Бобур ҳаётининг охиригача давом этган, деб жавоб қилардим». Профессор Паве де Куртейль бундай хулосага келишда, асарнинг дастлабки бобларида ҳам Ҳиндистон даври воқеаларининг учраб туришини кўзда тутган эди.

Паве де Куртейль сўз бошида ўзига қадар бажарилган «Бобурнома»нинг икки машҳур таржимаси хусусида ҳам фикр юритади. Булар, Акбаршоҳ замонида унинг топшириғи билан қилинган Мирза Абдурахимхон ибн Байрамхоннинг форсий таржимаси ҳамда шарқшунос олимлар Ж. Лейден ва В. Эрскиннинг инглизча таржимасидир. «Париждаги Миллий кутубхонада, — ёзади Паве де Куртейль, — Мирзахон, яъни Абдурахимхон таржимасидан иборат қўлёзманинг икки нусхаси сақланади. Абдурахимхон Ҳумоюн подшолиги даврида унинг саройидаги энг нуфузли кишилардан бўлган, унинг обрўи Акбар ва Жаҳонгир даврида ҳам сақланиб қолганди (у 1626 йилда вафот этган)». Олим таъкидлаганидек, Абдурахимхон таржимаси «Бобурнома»нинг Шарқда кенг тарқалишига йўл очиб берди ва Европа шарқшуносларининг диққатини жалб қилди. Мазкур таржиманинг миниатюралар билан безатилган нусхалари ҳозир Лондон, Париж, Калькутта кутубхоналарида сақланади. Паве де Куртейль Ж. Лейден ва В. Эрскин бажарган инглизча таржимага ҳам юқори баҳо беради. Инглизча таржимани пухта ўрганган ва ундаги нуқсонларни ҳисобга олган Паве де Куртейль ўз таржимасида уларни такрорламасликка ҳаракат қилади.

Паве де Куртейль ўз таржимаси учун асл нусха ўрнида рус шарқшуноси М. Ильминскийнинг Қозонда нашр қилдирган вариантыни танлаган. Бу ҳақда таржимоннинг ўзи ёзади: «Бобурнома»нинг оригинал нусхасини рус олими М. Ильминский 1857 йилда нашр эттирди, мен ўз таржимамга шу нусхани асос қилиб олдим. Бундан ташқари, бошқа мавжуд қўлёзмалардан ҳам фойдаландим». Паве де Куртейль таржиманинг ижобий чиқишида ўзи тузган изоҳли луғатнинг ролини ҳам қайд қилиб ўтади. Таржимон асардаги кўплаб ижтимоий-сиёсий ва миллий сўзларга изоҳ бериб ўтар экан, китобхонга ўз луғатини илова қилади: «Мен қўлёзмаси Европага ҳали унча маълум бўлмаган ушбу китобни мураккаб бир тилдан таржима қилганимдан мамнунман. Таржиманинг Европа адабиёт аҳлига, уларнинг талабига ҳам жавоб бериши лозимлигини ҳис этиб, даставвал «Шарқий турк луғати»ни туздим».

«Бобурнома»га меҳр қўйган олим фақат асарни таржима қилибгина қолмасдан, ўзига қадар бажарилган инглизча ва немисча таржима вариантларини ҳам таҳлил этади. «Менинг олдинги таржимонларга бирдан-бир эътирозим, улар асл нусха матни устида форс тилига қилинган таржимачилик (бу ерда Абдурахимхон таржимаси кўзда тутилмоқда — М. Х.) устида ишламадилар... Инглизча ва немисча таржималар аслидан узоқлашгандир, кўпчилик ҳолларда жуғрофий номлар форсийда қандай бўлса, шу ҳолда берилган. Айниқса, Шимолий Ҳиндистондан келадиган даромад хусусида гап кетганда бу нуқсонлар яққол кўзга ташланади». Паве де Куртейлнинг бу танқиди ўринли эди. Дарҳақиқат, Бобурнинг қўл остида бўлган жойлардан келадиган даромад ҳисоби тўғрисида гап борганда инглизча таржимада анчагина чалкашликларнинг мавжудлиги шу таржимани таҳлил қилган манбаларда ҳам кўрсатилиб ўтилган»<sup>18</sup>.

Профессор Паве де Куртейль Бобур ижодини Францияда ўрганиш ва тарғиб қилишда ўзининг бебаҳо хизматлари билан катта ҳисса қўшди, «Бобурнома»нинг таржимони сифатида машҳур бўлди. Паве де Куртейль бошлаган бу хайрли иш сўнгги йилларда унинг ватандошлари томонидан давом эттирилди.

1888 йил («Осиё журнали»нинг 2-томида) Ж. Дармстетъе ўзининг «Қобул ёзувлари. Бобуршоҳ ва бошқа

<sup>18</sup> Таржимон маҳорати. Тошкент, 1979, 100-бет.

мўгул шаҳзодаларининг қабртошларидаги битиклар» номли мақоласини эълон қилган. Бу мақолада Бобур ва бобурийлар мақбарасидаги ёзувлар ҳақида атрофлича маълумот бериб ўтилган.

Бобурнинг «Аруз рисоласи» асари ўзбек ва бошқа туркий халқлар шеърини назариясини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга қадимий қўлланмалардан ҳисобланади. Бу асар қўлёзмасининг сақланиб келинганлиги илмий жамоатчиликка маълум эмасди. Зеро, асар қўлёзмасининг бир нусхаси Париждаги Миллий кутубхонада сақланиб келгани ҳақида 1923 йилда турк олими М. Ф. Купрулизода илк бор маълумот беради<sup>19</sup>. Француз шарқшуноси Э. Блоше ўзининг «Миллий кутубхонада сақланаётган туркий қўлёзмалар каталоги»да «Аруз рисоласи» асарининг қўлёзмасини ҳам тавсиф қилган эди. 1968 йилда профессор Ҳ. Сулаймонов Парижга борганида «Аруз рисоласи»нинг қўлёзмасини топиб, унинг микрофильмини А. Навоий номидаги Қўлёзмалар институтининг фондига олиб келади. Бундан ташқари, Э. Блоше каталогида Бобурнинг «Девон»и қўлёзмаси ҳам 1230 инвентарь рақами остида тавсиф қилинган. Блошенинг тавсифлашича 1515 йилда Қобулда кўчирилган бу «Девон»га Бобурнинг ғазаллари ва тўртликлари киритилган бўлиб, у ниҳоятда чиройли безатилган.

XX асрда ҳам француз шарқшунослари томонидан Бобур ижодини тадқиқ қилиш, «Бобурнома»ни таржима этиш борасида улкан ишлар қилинди. Француз энциклопедияларидан Бобур ҳаёти, ижоди ва «Бобурнома» асари ҳақида умумий маълумот берувчи мақолалар ўрин олди. 1930 йилда Ф. Гренарднинг «Бобур» (муқовада «Бабер» тариқасида ёзилган — М. Х.) китоби босилиб чиқди<sup>20</sup>. Китоб ўн бобдан иборат бўлиб, унда Бобурнинг болалик вақтидан то вафотигача бўлган давр воқеалари ёритилган. Гренард ўз китобини «Бобурнома»га ҳамоҳанг, ундаги воқеаларга вобаста биографик очерклар сифатида давом эттиради. Шу сабабдан ҳам Гренард китобидаги боблар «Бобурнома»даги воқеаларга монанд, фақат француз биографи бу воқеаларни илмий-оммабоп тарзда ҳикоя қилишга интилан ва ўз мақсадига эриша олган. Масалан, Гренард асарининг

<sup>19</sup> Қаранг: Щербак А. М. Сочинение Бабура об арузе (предварительное сообщение). — «Народы Азии и Африки», 1969, № 5, с. 156.

<sup>20</sup> Grenard F. Baber. Fondateur de l'Empire des Indes. Paris, 1930. 179 p.

«Юртсиз ҳукмдор» деб номланган бобида Бобурнинг Самарқандни ташлаб чиққан, Андижонни қўлдан чиқарган пайтдаги ҳолатини қуйидагича тасвирлайди: «Орзу-умидлари чилпарчин бўлган Бобур орқага қайтади. Баҳор фасли эди, у тоғаси юрти томон йўл олади. У эзилган кўнглига таскин бериш ниятида ўзининг қуйидаги мисра билан бошланувчи ғазалини битади:

Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим<sup>21</sup>.

Бобурнинг Ҳирот ва Кобулдаги ҳаёти Гренард китобида бирмунча жонли тасвирланган. Бу ерда Бобур тахту тож учун жангталаб соҳибқирон эмас, балки нозик таъб инсон ва дилбар шоир қиёфасида кўринади. Масалан, китобда шундай сатрларга дуч келамиз: «Баҳор келди. Бобур ҳар қадамда учровчи бадфеъл одамларнинг назаридан четда бўлиш ниятида кўклам уфуриб турган тоғ ёнбағирларига сайр қилиш ва қуш ови билан шуғулланиш мақсадида чиқиб кетади. Чор тараф ям-яшил либосга бурканган, атрофни алвон лолалар қоплаганди. У лола гулларнинг ўттиз тўрт хилдан гулдаста тизиб ўтириб, ушбу сатрларни битади:

Менинг кўнглумки гулнинг гунчасидек тах-батах кондур,  
Агар юз минг баҳор ўлса очилмоғи не имкондур,  
Агар ул қоши ёсиз боғ гаштин орзу қилсам,  
Кўзумга ўқдурур сарву кўнгулга гунча пайкондур.

### Французчаси:

Mon pauvre coeur sanglant est un bouton de rose  
Replie sur lui-meme en petales de pourpre.  
Au souffle mille fois repete du printemps  
Ce bouton pourra-t-il s'epanouir en rose?<sup>22</sup>

Гренард китобида «Бобурнома» автор фаолиятини ўзида акс эттирувчи қомусий манба сифатида талқин қилинган ва юқори баҳоланган. Умуман Гренард таърифида Бобур «ўзига хос ритмга эга бўлган хассос шоир, ўзининг «Эсдаликлар»и билан эса моҳир ёзувчи» қиёфасида гавдаланади.

Фернанд Гренарднинг «Бобур» китобида берилган маълумотлар ҳам ўқувчини ўзига жалб қилади. Китобга Бобур фаолиятининг турли саҳифаларини ўзида акс эттирувчи, шунингдек, Самарқанд, Кобул, Ҳирот шаҳарларининг ўша даврдаги қиёфасини кўрсатувчи саккизта миниатюра киритилган. Китобнинг сўнггида Урта Осиё ва Ҳиндистоннинг ўша даврга оид геогра-

<sup>21</sup> Гренард Ф. Уша асар, 32-бет.

<sup>22</sup> Гренард Ф. Уша асар, 73-бет.



фик картаси илова этилган. Гренарднинг бу китоби 1971 йилда инглиз тилига ҳам таржима қилинди.

1983 йилда ЮНЕСКО қарори билан Бобур таваллудининг 500 йиллиги кенг нишонланди. Бу қутлуғ санага француз олимлари ҳам ажойиб туҳфа тайёрладилар. Париждаги «Публикасион ориенталист де Франс» нашриёти «Бобурнома»нинг янги французча таржимасини «Бобур китоби» номи билан чоп этди. Мазкур таржима шарқшунос, доктор Жан Луи Бакье-Граммон қаламига мансуб бўлиб, у 478 саҳифадан иборат. Таржимага таниқли француз шарқшуноси Луи Базен сўз боши ёзган. Сўз бошида Бобурнинг буюк мўғул империясини барпо қилиш йўлидаги кураши, «Бобурнома»нинг ёзилиш тарихи, бу асарнинг жаҳон адабиётида тутган ўрни хусусида ҳам атрофлича маълумот бериб ўтилган.

1981 йилда «Бобурнома»нинг доктор Бакье-Граммон қаламига мансуб таржимаси ФИТ (Халқаро таржимонлар федерацияси)нинг бош совринини олишга муяссар бўлди. Францияда таниқли таржимон ва таржимашунос Пьер-Франсуа Кайе номидаги бу соврин ҳар йили энг яхши таржима деб топилган тўрт асарга берилади.

Доктор Бакье-Граммон таржимаси «Бобур Мовароуннаҳрда», «Бобур Афғонистонда», «Бобур Ҳиндистонда» деб номланган уч қисмга бўлинган. Ҳар бўлимга уч мамлакатнинг бобуршунос олимлари сўз боши ёзганлар. «Бобур Мовароуннаҳрда» деб номланган биринчи қисмга сўз бошини ўзбекистонлик олима Сабоҳат Азимжонова ёзган. Олима «Бобурнома»ни тарихий манба сифатида таҳлил қиларкан, даставвал, Бобурнинг Фарғона вилоятида тахтга ўтиришидан бошлаб, унинг Самарқандни эгаллаши, Самарқанд тахти учун Шайбонийхон билан олиб борган жанглари ва, ниҳоят, ундан енгилиб, Афғонистонга йўл олиши тафсилотларини қизиқарли ёритиб берган. Шунингдек, «Бобурнома»ни ўша даврда ёзилган бошқа манбалар билан солиштириб, ўз даври сиёсий, иқтисодий воқеаларини тушунишда, маданий ҳаётини ёритишда асардаги маълумотларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтган. Сўз бошининг сўнгида «Бобурнома»нинг мавжуд қўлёзмалари, форсий, инглиз ва французча таржималари ҳақида, Ғарб ва Шарқ олимларининг асар устида олиб борган тадқиқотлари хусусида ҳам қисман тўхталиб ўтган.

Иккинчи кириш сўзнинг муаллифи афғонистонлик профессор Абдулҳай Ҳабибий бўлиб, у Бобур фаолият

ти ва ижодини ўрганиш соҳасида қатор илмий ишлар ёзган таниқли олим. Бобурнинг Афғонистонда ўз давлатини мустақкамлаши, бир неча бор Мовароуннаҳрни қайта олиш учун қилган юришлари ҳақида ҳикоя қилади. Абдулхай Ҳабибий сўз бошисида Кобулдаги Бобур ва унинг авлодлари қўйилган мақбаралардаги сарғаналарга битилган хатлар ҳақида ҳам маълумот бераркан, бу ёзувларни форсийдан французчага таржима қилиб келтиради.

«Бобур Ҳиндистонда» сарлавҳали ўн олти саҳифадан иборат кириш сўзини ҳинд олими, Кашмир университетининг (Сиринагар) профессори Муҳиббул Ҳасан ёзган. Кириш сўзида Бобурнинг Ҳиндистонга қилган юришлари, бу ерда унинг ўз давлатини мустақкамлаш борасида олиб борган тadbирлари, ҳинд халқи билан дўстлиги, маърифат ва адабиётни тараққий эттиришдаги хизматлари кенг тасвирланади.

Муҳиббул Ҳасан «Бобурнома» хусусида тўхталаркан, бу асарнинг фақат шоҳнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётини ўрганишдагина эмас, балки Ҳиндистон тарихи, географияси ва маданияти ўтмишини ўрганишда ҳам қимматбаҳо манба эканини, Ҳиндистонни, унинг халқини тасвирлашида автор идроки нақадар ўткирлигини алоҳида таъкидлайди. Бобурга қадар биронта мусулмон тарихчиси ёки географи (ал-Беруний бундан мустасно) Ҳиндистонни бу қадар жонли ва тўғри тасвирлаган эмас, деб рўйирост баҳолайди. Шунингдек, шоҳ Бобурнинг ўз фуқароси — ҳинд халқи билан дўстона муомалада бўлганини, ҳиндлар ҳам шоҳ тузумидан мамнун яшаганликларини қайта-қайта таъриф қилиб ўтади.

«Бобурнома»нинг доктор Бакъе-Граммон таржимаси француз китобхонининг талабига ҳар томонлама жавоб берарли даражада амалга оширилган. Унда Бобур даври Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон ерларининг карталари берилган. Бу эса китобхонни юқоридаги мамлакатларнинг ўтмиш географик ўрни билан таништиради. Китобнинг охирида берилган қирқ саҳифадан ортиқ шарҳлар, географик номлар, миллий атамалар ва киши исмлари сўзларнинг маъносини чақишда ўқувчига ёрдам беради. Масалан, шарҳларнинг бирида Алишер Навоий номи қуйидагича изоҳланган: «Мир Алишер Навоий (1441—1501) турк-чиғатой тилида ижод қилган ўзбек шоиридир. Ҳозир у ўзбекларнинг классик адиби ҳисобланади. Навоий Ҳиротда улуғ шоир Абдурахмон Жомий ва рассом Бехзод билан ҳам-

корликда фан, маданиятнинг юксалишига катта ҳисса қўшди. Бобур ҳам Навоийни жуда ҳурмат қилган, унинг номини ўз асарида кўп тилга олиб ўтган». Французча таржиманинг 469—472-саҳифаларидаги 87 номда келтирилган илмий ва бадий манбалар библиографияси эса Бобур ижодининг бир қатор Европа ва Осиё мамлакатларида катта қизиқиш билан ўрганилаётганидан маълумот беради. Мазкур библиографияда ўзбекистонлик олима С. Азимжонованинг монографияси-ни, шунингдек, П. Шамсиев ва С. Мирзаевлар нашрга тайёрлаган «Бобурнома»нинг ўзбекча нашрини, М. Салье ўгирган русча таржимасини ҳам кўрамиз.

Дарҳақиқат, Бакъе-Граммон таржимаси жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди. ЮНЕСКО ходими Габриэль Венэ таржимага мукофот топшириш тантанасида сўзга чиқиб, «доктор Бакъе-Граммон тарих ва тилшунослик соҳасида из қолдирувчи ишни бажарди. Мутахассислар билан сўзлашганимда «турк-чиғатой» тилидан қилинган мазкур таржима жуда яхши чиққанлигини айтишди. Мен айтмоқчи бўлганим, бугунги француз тилида XVI аср туркий тил лексикасини қайта тиклаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди», деганида тамомила ҳақдир.

«Бобурнома»нинг доктор Бакъе-Граммон таржимаси жуда қисқа вақт ичида тарқалиб кетди. ЮНЕСКО «Бобурнома»ни тез орада иккинчи марта нашр этишга қарор қилди ва қайта нашрни тайёрлашни таржимонга топширди.

1985 йилда «Бобурнома»нинг французча таржимаси қайта нашр қилинди. Иккинчи нашр биринчисидан ўзининг катта формати, қоғози ва сифати билангина эмас, балки унга киритилган янги илмий қўшимчалар, айрим тузатишлар, кўп сонли миниатюра безаклари билан ҳам ажралиб туради<sup>23</sup>.

Бу нашрга профессор Андре Микэль қисқача кириш сўзи ёзган. Унда Бобур ва «Бобурнома» ҳақида фикр юритилади, китобнинг жаҳон адабиётида тутган ўрни ҳақида тўхталиб ўтилади. Профессор Андре Микэль шундай ёзади: «Жанглар, ғалаба ва мағлубиятлар, келишувлар... булар шубҳадан ташқари. Шунингдек хотиралар, фикрлар, заифликлар, юрак дардлари ҳақида ниҳоят соддалик билан, ҳеч қандай мақтанчоқлик қилмасдан ҳикоя қилинади. Буларнинг ҳаммаси шундай

<sup>23</sup> Валиева Д. Француз тилида иккинчи нашр.— «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1987 йил 12 июнь.

юксак даражада тузилганки, гўё китоб эмас, бир лаҳза, дейсиз».

«Бобурнома»нинг иккинчи нашрига сўз бошини доктор Бакъе-Граммоннинг ўзи ёзган. Шунингдек, унда Урта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон карталари, Муҳиббул Ҳасан томонидан тузилган илмий изоҳлар, библиографик кўрсаткич ҳам илова қилинган. Библиографик кўрсаткичда Совет Иттифоқида, шу жумладан, Ўзбекистонда то 1983 йилгача чоп этилган «Бобурнома»нинг барча нашрлари, совет олимларининг Бобур ва «Бобурнома» ҳақидаги тадқиқотлари, Бобурнинг шеърӣ ва бошқа асарлари, «Бобурнома» миниатюраларидан тузилган альбомлар ўрин олган. Янги нашрда илмий изоҳлар ва шарҳларга ҳам кенг ўрин берилган бўлиб, уларга ҳар саҳифанинг ярми ажратилган.

1985 йилги нашрга Деҳли музейида сақланаётган «Бобурнома» қўлёзмаси учун ишланган 50 дан ортиқ миниатюралар ва 30 дан ортиқ замонавий фотосуратлар ҳам киритилган бўлиб, улар «Бобурнома»да ифодааланган ёки ўша давр миниатюраларида тасвирланган воқеалар, манзаралар, кўринишларнинг нақадар ҳаётӣлигини, ҳозирги даврда ҳам уларнинг мавжудлигини кўрсатиш учун хизмат қилади. Шунингдек, янги нашрга бир қатор иловалар ҳам берилган. Масалан, Бобур аждодларининг шажараси ҳамда С. А. Азимжонова томонидан ёзилган «Хатти Бобурӣ» ҳақидаги мақола, шу асарнинг қўлёзмаси фотофаксимилеси ҳам ўрин олган.

Кўринадики, «Бобурнома»нинг А. Ж. Клапрот, А. Лонгперье, М. Ланглэ, А. Паве де Куртейль, Ф. Гренард, Бакъе-Граммон каби ғарблик тадқиқотчилари ва таржимонлари Бобур ижодини тарихий-этнографик, библиографик ҳамда лингвистик томондан ёритишган. Бу билан улар Францияда бобуршуносликнинг шаклланишида жонбозлик кўрсатдилар.

Бобурнинг фан, адабиёт ва санъат соҳасида қолдирган бой меросини тўплаш, нашр этиш ва реал баҳолашда, унинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини илмий асослашда совет олимларининг хизмати катта бўлди.

### Ўзбек совет адабиёти француз тилида

Бугунги кунда тинчлик ва демократия тарафдори бўлган ер юзидаги барча прогрессив инсоният кўп миллатли совет адабиётини, шу жумладан унинг ажралмас

қисми бўлган ўзбек совет адабиётини ҳам ўз тилларида ўқимоқдалар. Х. Ҳ. Ниёзий, С. Айний, А. Қодирий, Ойбек, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, К. Яшин, Уйғун, Зулфия, А. Мухтор, Ҳ. Ғулом, Р. Бобожон, О. Ёқубов, П. Қодиров, Э. Воҳидов, А. Орипов, Т. Пўлатов каби адибларимиз асарлари инглиз, немис, француз, ҳинд, араб, поляк, чех, болгар ва бошқа тилларга таржима қилинган.

Француз китобхонини ўзбек совет адабиёти билан таништиришда Франциядаги «Галлимар», «Эдितьер франсез реюни» нашриётлари, «Леттр франсез», «Юманите» газеталари ҳамда Иттифоқимиздаги «Эдисьон анланг этранжер» («Чет тиллар нашриёти») нашриёти ва «Леттр советик» («Совет адабиёти») журналининг роли катта. Айниқса, 1933 йилдан буён инглиз, немис, француз, испан, поляк, венгер, чех ва словак тилларида мунтазам нашр қилиниб келинаётган «Леттр советик» журналининг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Журнал ўтган эллик йилдан ортиқ вақт ичида Франция, Италия, Қанада, Бельгия, Руминия, Швейцария, Жазоир, Марокаш, Ливан, Люксембург, Сурия, Ўьетнам, Тунис ва Мали халқларини совет адабиёти намуналари билан таништириб келди. Шунингдек, ўзбек совет адабиётининг энг сара асарлари ҳам шу журнал орқали чет эллик ўқувчиларга етиб борди.

1946 йилда машҳур ўзбек шоири Ғафур Ғулом «Советский писатель» нашриётида босилиб чиққан «Мен Шарқдан келаётирман» («Иду с Востока») шеърлар тўплами учун адибларимиз орасида биринчи бўлиб Давлат мукофотига сазовор бўлган эди. Шу муносабат билан «Леттр советик» («Совет адабиёти») журналининг ўша йилги I-сонида адабиётшунос Лидия Батнинг шоир ижодига бағишланган мақоласи эълон қилинди. Мақола муаллифи шоир ижодининг ўзбек совет адабиётида тутган ўрни ҳақида тўхталар экан, унинг илк машқларидан то етуклик даврига қадар яратган асарларини баҳолаб ўтади. Мунаққид шоирнинг «Турксиб йўлларида», «Сен етим эмассан», «Соғиниш», «Қиш», «Хотин», «Кузатиш» каби шеърлари таҳлилига алоҳида тўхталиб, уларнинг айримларидан парчаларни французча таржимада келтиради.

Журнал кейинги йилларда ўз ўқувчиларини шоир шеърларининг французча таржималари билан ҳам таништиради. 1958 йил журналда Ғ. Ғуломнинг «Ҳеч қачон унутмаймиз» шеъри Алис Оран таржимасида босилиб чиқди. Таржима сўнггида шоирнинг ҳаёти, ижоди ва таржимонлик фаолияти хусусида ҳам қисқача

маълумот бериб ўтилган. 1972 йилда чиққан журналнинг «Юзта совет шоири» номли махсус сониди шоирнинг «Сарҳисоб» шеъри Арман Манжо, «Хуржун» шеъри Пьер Гамарра таржимасида эълон қилинди. Французча таржимасида ҳар иккала шеър ҳам аслига яқин, равон ва жуда ўқимишли чиққан. Арман Манжо ҳам, Пьер Гамарра ҳам шеърлардаги ғоя ва мазмунни француз китобхонига етказишга ҳаракат қилганлар.

Ғафур Ғуломнинг сўнги прозаик асари — «Шум бола» повестининг русча таржимаси 1961 йил «Звезда Востока» журналининг 1-сонида босилиб чиқди. «Летт советик» журналининг 1970 йил 2-сонида рус танқидчиси Евгения Усискинанинг «Шум бола» повести ҳақидаги мақоласи француз тилида босилди. Автор бу мақолада «Шум бола» повестининг мазмуни ва бадиий хусусиятига кенг тўхталиб ўтади. Асардаги ижобий қаҳрамон — Шум бола ва текинхўрлар синфининг вакили — Сорибой образларини атрофлича талқин қилади. Шунингдек, адибнинг шеърий асарлари, очерк ва памфлетлари хусусида ҳам мунаққид ўз фикрларини айтиб ўтган.

1946 йилда атоқли ўзбек ёзувчиси Ойбек ўзининг «Навой» (1944) романи учун СССР Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. Роман 1946 йилда «Советский писатель» нашриётида М. Салье таржимасида рус тилида босилиб чиқди. Асарни мазкур русча таржимасидан Алис Оран французчага ўғирди ва 1948 йилда Москвадаги «Чет тиллар нашриёти»да чоп эттирди. Таржима орқали француз китобхони романда тасвирланган XV аср тарихий ҳодисалари оқимида улуғ ўзбек шоири ва гуманисти Алишер Навоий сиймоси, унинг характеридаги инсонпарварлик ва халқчиллик фазилатлари билан яқиндан танишишга муяссар бўлди.

Тожик совет адабиётининг асосчиси, ўзбек совет адабиётининг бошловчиларидан бири, машҳур ёзувчи Садриддин Айний асарлари ҳам жаҳон халқлари тилларига таржима қилинган. Адиб ижоди билан илк бор француз китобхонлари «Летт советик» журнали орқали танишган эдилар. Журналда 1953 йил ёзувчининг «Эсдаликлар» асаридан олинган парчанинг французча таржимаси эълон қилинган. Шундан сўнг С. Айний асарлари бирин-кетин француз тилига таржима қилина бошланди. 1956 йилда Париждаги «Галлимар» нашриёти «Эсдаликлар» асарини «Бухоро» номи билан нашр этди. 1957 йилда С. Айнийнинг яна бир китоби «Судхўрнинг ўлими» номи билан Парижда босилиб

чиқди. Бу китобга адибнинг «Судхўрнинг ўлими», «Эски мактаб», «Бухоро жаллодлари», «Одина» повестлари киритилган бўлиб, уларни французчага В. Вуано ва С. Бородин таржима қилган. 1958 йилда «Эсдаликлар» асарининг сўнги китобидан олинган «Мулла Омон тарихи» номли боби Ж. Катала таржимасида «Леттр советик» журналида эълон қилинди. Шунингдек, француз танқидчилари С. Айний асарларининг аҳамияти ва бадиий қиммати, ундаги тарихий реал факторларнинг моҳирона акс эттирилишига ҳам юксак баҳо бердилар. Масалан, таниқли француз ёзувчиси ва адабиётшуноси А. Вюрмсер С. Айний ижодининг халқчиллиги ва ҳаққонийлиги хусусида тўхталиб: «Бухоро» — реалистик асардир, у тарихий воқеаларга бойлиги, халқ ҳаётининг кенг манзарасини ўзида сиғдира олганлиги учун ҳам аҳамиятлидир. Унга бошдан-оёқ поэзия сингиб кетган»<sup>24</sup>, — дея баҳолаган эди.

Атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ўзининг биринчи комедияси—«Янги ер» («Шоҳи сўзана») асари билан катта муваффақиятга эришган эди. 1952 йилда бу комедия Давлат мукофотига сазовор бўлди. «Янги ер» ўзбек пьесалари орасида биринчи бўлиб Москва ва Ленинград, кейинчалик эса Иттифоқимиздаги 250 дан ортиқ театр саҳналарида, шунингдек, Албания, Венгрия, Хитой, Руминия, Чехословакия каби мамлакатларнинг театрлари саҳналарида ҳам зўр муваффақият билан намойиш қилинди. «Янги ер» комедияси 1958 йилда Луи Дюпон томонидан француз тилига таржима қилиниб, «Леттр советик» журналининг 8-сонида «Шоҳи сўзана» номи билан босилиб чиқди. Луи Дюпон асарни авторнинг 1952 йил Москвада чоп этилган Ю. Герман ва И. Рестнинг русча таржимасидан ўгирган. Шунингдек, журналда ёзувчи ижоди ҳақида маълумот берувчи мақола ҳам босилган эди.

Луи Дюпон пьесани французчага ўгирар экан, унда иштирок этган персонажлар руҳий оламини ўзида мужассамлаштирган диалогларни русча таржимага монанд тиклашга ҳаракат қилган, асар сюжетини, ундаги юмористик ва ҳаётий саҳналарни французчада ҳам қайта яратишга муваффақ бўлган.

Тўғри, француз таржимони асарни ўз тилига ўгиришда рус таржимонларининг измидан чиқолмаган, русча текст қандай бўлса, уни шу ҳолида французчага

---

<sup>24</sup> Қаранг: Невская Б. Матбуоти Франция дар барои эҷодиёти С. Айний.— «Шарқи сурх», 1959, № 7, саҳ. 141.

таржима қилган. Дарвоқе, асарни сўзма-сўз таржимадан русчага таржима қилган Ю. Герман ва И. Рестнинг русча текстида ҳам баъзи камчиликлар учраб туради. Бу айниқса, қаҳрамонлар нутқида миллий мазмун ифодалаб келувчи мақол ва ҳикматларнинг, фразеологик ибора ва хос сўзларнинг таржима жараёнида асл нусха мазмунидан узоқлаштириб таржима қилинишида яққол кўзга ташланади.

Масалан, драмадаги колхоз раиси Раҳимжон нутқининг автор текстидаги ҳолатини кузатайлик.

Раҳимжон:— Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит (қорнини силаб). Ойни этак билан ёпиб бўлмайди (саҳна орқасидан шоферга). Қарим! Бор гаражга бор, бугун пиёда кетаман<sup>25</sup>.

Русча таржимада:— В мою бахчу камешек. Толстею (провел рукой по животу). Луну полой не закроешь... (за сцену, шофёру) Қарим! Езжай! В гараж езжай. Пешком сегодня ходить буду!<sup>26</sup>

Умуман, қаҳрамон нутқидаги мазмун русча таржимада тўлақонли сақланган. Русча вариантдан ўгирган француз таржимонлари ҳам шунга эришганлар. Фақат, русча текстдаги «В мою бахчу камешек» жумласи ўзбекча «Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» мақолининг туб маъносини ўзида мужассамлаштирмаслиги кўриниб турибди. Бу ўзбекча мақолнинг русчада ҳам маънодош варианты бор бўлиб, уни «Қошқу бьют, а невестке невестки дают» қабалида таржима қилиш мумкин эди. У ҳолда нутқдаги образлилик ва ифодалилик тўла сақланган бўларди. Русча текстнинг измидан чиқолмаган француз таржимонлари ҳам «В мою бахчу камешек» иборасини сўзма-сўз «Une pierre dans ton jardin» қабалида ўгиришган. Оқибат, асл нусхадаги мақолдан таржимада нишон ҳам қолмаган.

1959 йилда Москвада бўлиб ўтган Ўзбек адабиёти ва санъати декадасида А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» повести юксак баҳоланди. Бу асар машҳур совет адиби К. Симонов томонидан рус тилига таржима қилинди ва китоб ҳолида нашр этилди<sup>27</sup>. Шундан сўнг «Синчалак» арман, тожик, украин, инглиз, француз, немис, болгар, румин, венгер тилларига ҳам таржима қилинди. 1960 йилда «Леттр совиестик» журнали повестни Рене Арэр таржимасида эълон қилди. Мазкур асарнинг французча

<sup>25</sup> Қаҳҳор А. Янги ер. Тошкент, 1952, 59-бет.

<sup>26</sup> Каххар А. Избранные произведения. М., 1959, с. 450.

<sup>27</sup> Каххар А. Птичка-невеличка. Повесть. Ташкент, 1959, с. 211.



таржимасида ҳам Қ. Симоновнинг русча таржима вариантыдан фойдаланилган. Таржима билан бирга рус адаби ва таржимони Вера Смирнованинг А. Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мақоласи ҳам босилган. Мақолада ёзувчининг ҳикоянавислиги, проза ва драматургиядаги маҳорати бирмунча кенг ёритилган бўлиб, француз ўқувчиларини А. Қаҳҳор фаолияти билан таништиришда муҳим роль ўйнаган.

Ўзбекистон халқ шоири, публицист ва жамоат арбоби Зулфия ижоди, унинг садоқат, эрк, ватан туйғуси билан йўғрилган, тинчлик, дўстлик ва биродарликни тараннум этувчи ажойиб шеърлари СССР халқлари ва жаҳон тилларига таржима қилинган. Унинг шеъриятидан намуналар француз шеърхонига «Леттр советик» журнали орқали етиб борган. Илк бор журналнинг 1961 йил 11—12-сонида шоиранинг «Салом сизга, эрк-парвар эллар» шеъри французча таржимада босилди. 1972 йилда эса журнал Зулфиянинг «Йўлда» ва «Кўз» номли шеърларини А. Карвовский таржимасида ўқувчиларга тортиқ қилди. А. Карвовский французчага шеърларни С. Липкин томонидан рус тилига қилинган таржима вариантларидан ўгирган. С. Липкин Зулфия поэзиясининг заҳматкаш ва билимдон таржимонларидан биридир. Шоира шеъриятининг аксари қисми унинг таржимасида рус китобхонига етиб келди. Фақат рус китобхони эмас, балки Зулфиянинг хориждаги мухлислари ҳам унинг шеърларини С. Липкин яратган русча вариантлардан ағдарилаётган таржималаридан ўқимқдалар. С. Липкиннинг русча ва А. Карвовскийнинг французча таржималари ҳам бир-бирига монанд, асл нусхадаги ғоя ва мазмунни ўзларида ифода эта олган.

Шоира Зулфия ижоди ҳақида ўзбек ва рус тилларида бир қатор монографик тадқиқотлар ёзилган. Инглиз, немис, француз ва бошқа хорижий тилларда адаба ижодига бағишланган фақат мақолаларгина мавжуд. Бундай мақолалар «Леттр советик» журналида ҳам босилган. Масалан, журналнинг 1972 йил 10-сонида чоп этилган А. Акбаровнинг «Инсоният овози» номли мақоласи ҳажми ва мазмуни жиҳатдан диққатга мойилдир. Унда ўқувчи шоира ҳаёти, ижоди ва бадий маҳорати билан яқиндан танишишга муяссар бўлган.

«Леттр советик» журнали ўз мухлисларини Зулфия билан таништиришни кейинги йилларда ҳам давом эттириб келмоқда. Шоиранинг 1980 йилда «Яқинларим», 1982 йилда «Уйлар», «Пушкинга» каби шеърлари француз тилида журналда босилди.

1972 йилда СССР ташкил топган куннинг 50 йиллиги муносабати билан журналнинг «Юзта совет шоири» деб номланган махсус сони босилиб чиқди. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, шу сонда Ф. Ғулом, Зулфия шеърлари билан бир қаторда таниқли шоирларимиздан Шукруллонинг «Шеърнинг туғилиши» шеъри Жан Шампенуа, А. Ориповнинг «Она сайёра» шеъри А. Карвовский таржимасида босилиб чиқди. Мазкур тўпلام француз шеърхонлари томонидан илиқ қарши олинди. Бу ҳақда 1973 йилда Франция сафарида бўлган таниқли шоир Расул Гамзатов журналнинг давра столида қуйидагиларни айтганди: «Биз (М. Дудин, Қ. Қулиев, Т. Балашова — М. Х.) Францияга ўзимиз билан журналнинг кўп миллатли совет шеърляти мажмуасидан иборат махсус сонининг бир қанча нусхасини олиб боргандик. Автографларимиз туширилган журналларнинг Франциянинг жанубидаги шеърлятимиз мухлислари томонидан иссиқ қарши олинганидан беҳад хурсанд бўлдик».

1980 йилда «Леттр советик» журналининг «Совет шеърляти антологияси» деб номланган иккинчи махсус сони нашр этилди. Унда Зулфия, Уйғун, Миртемир, Мирмуҳсин каби шоирларимизнинг бир туркум шеърлари ҳам киритилган эди. Шеърларни французчага Л. Буткевич, Л. Бальвер, Л. Бертин, А. Карвовскийлар таржима қилишган.

Ўтган давр ичида «Леттр советик» журнали ўзбек совет прозасини француз китобхониға етиб боришида муҳим роль ўйнади. Масалан, 1959 йилда И. Раҳимнинг «Садоқат» повестидан айрим боблар Алис Оран таржимасида босилиб чиқди. Журналнинг 1972 йилда чоп этилган «Совет ёзувчиларининг йигирма ҳикояси» номли сонида У. Ҳошимовнинг «Муҳаббат» ҳикояси Г. Люстерник таржимасида эълон қилинди. 1973 йил январь сонида эса таниқли ўзбек совет ёзувчиси Р. Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романидан бир неча боблар Л. Буткевич таржимасида чоп этилди.

Ёзувчи Раҳмат Файзий «Ҳазрати инсон» (1970) романида совет халқлари ўртасидаги интернационал дўстлик туйғусини, бу дўстликнинг Маҳкам ака ва Меҳринисо ола оқласида қарор топганини, эр-хотиннинг юксак инсоний меҳри ва қаҳрамонлигини, умуман совет халқининг маънавий қудрати ва жасоратини жонли образларда тасвирлаб беради. Роман 1973 йилда Ольга Маркова ва Георгий Марков томонидан рус тилига таржима қилинган. Л. Буткевич романи шу русча

нашридан француз тилига ўгираркан, ундаги воқеа ва образлар тасвирини сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Тўғри, романдаги воқеалар француз китобхонига тўлиғича етиб бормаган, фақат асарнинг 27, 28, 30, 31, 32, 33, 34 ва 37-бобларигина таржима қилинган, холос. Шунингдек, романдаги миллий атамалар, образли иборалар ва хос сўзлар русча таржимада изоҳлар орқали ўқувчига етказилган бўлса, французча таржимада уларнинг аксари қисми асл нусхадаги қиёфасини йўқотганини кўрамиз.

Масалан, асл нусхадаги ушбу диалогнинг русча таржимада берилишини кузатайлик.

**Асл нусхада:** Эшикдан Салима кириб келиб, хаёлини бўлди.

— Ассалому алайкум, опа, ҳорманг, ҳорманг, войбўй, тоғ бўлиб кетибди-ку,— дея қучоғини ёзиб, Меҳриносиго яқинлашди.

— Икки кун ювмасам, шунақа тўпланиб қолади. Қалай, тинч-омонмисизлар. Обиджондан хат борми?<sup>28</sup>

**Русчада:** В калитку вошла Салима.

— Ассалому алейкум, апа, хорманг, хорманг... Ой, целая гора опять набралась! — воскликнула она, увидев кучу белья.

— Стоит два дня не постирать, сразу набирается. Как поживаете? Есть ли письма от Абиджана?<sup>29</sup>

Салима нутқидаги «Ассалому алайкум, апа, ҳорманг, ҳорманг» сўзлари халқимиз тилида ва дилида ҳамиша айтилиб келинадиган миллий атама бўлиб, рус таржимонлари бу ибораларни аслидагидек қолдиришган. Асар текстида ўнлаб қайта-қайта такрорланувчи юқоридаги тўғри сўзлар рус китобхонига ҳам мазмунан танишдир. Бироқ, романдан фақат бир неча боблар билангина танишаётган, бизнинг урф-одат ва атамаларимиздан тамомила беҳабар француз ўқувчиси учун бу иборалар нотаниш бўлиб қолган. Яхшиси, таржимон бу ибораларга таржима сўнгида изоҳ бериб ўтганида ўқувчига қулайлик туғдирган бўларди.

1974 йилда журнал таниқли ёзувчи У. Умарбековнинг «Қимнинг ташвиши йўқ» номли повестини тўлиғича Жан Шампенуа таржимасида эълон қилди. Повесть адибнинг 1968 йилда нашр қилинган «Кўприк» номли тўпламига, кейинчалик «Олтин япроқлар» китобига ҳам киритилган эди. Ёзувчининг «Олтин япроқ-

<sup>28</sup> Файзий Р. Асарлар. 1-жилд. Тошкент, 1978, 398-бет.

<sup>29</sup> Файзий Р. Его величество человек. М., 1973, с. 303.

лар» китоби 1973 йилда Москвада босилиб чиқди. Тўпламдаги повесть ва ҳикоялар тўлиғича автор ҳамкорлигида С. Шевелев томонидан русчага ўтирилган. Ж. Шампенуа оригинал ўрнида С. Шевелев таржимасидан фойдаланган. Французча таржима ҳам русча вариантга яқин, ундаги мазмун ва образлар ўз ифодасини акс эттира олган.

«Леттр советик» журнали шу йиллар ичида ўзбек совет адабиёти ҳақидаги мақолалар, ўзбек адиблари билан уюштирилган ижодий суҳбатлар билан ҳам ўз мухлисларини таништириб борди.

Таниқли ўзбек ёзувчиси Асқад Мухторнинг «Чинор» романи 1970 йилда рус тилига таржима қилиниб, «Дружба народов» журналининг 1—3-сонларида босилиб чиқди. Романнинг русча нашри муносабати билан танқидчи Валентина Панкинанинг «Леттр советик» журналида тақриз эълон қилинди. Танқидчи, даставвал, ёзувчи ижоди ҳақида тўхталаркан, унинг шоир, прозаик ва таржимонлик фаолияти хусусида шундай ёзади: «Асқад Мухтор ҳам ўз тенгқурлари сингари шоир сифатида адабиётга кириб келди. Унинг биринчи шеърлар тўплами 1947 йилда босилиб чиққанди. Бугун у ўнлаб поэтик тўпламлар, таржималар ва прозаик асарларнинг авторидир. Адибнинг биринчи романи — «Опа-сингиллар» 1954 йилда пайдо бўлди ва тезда адабий жамоатчиликнинг диққатини ўзига жалб этди. Шундан сўнг унинг «Қорақалпоқ қиссаси», «Туғилиш», «Давр менинг тақдиримда» каби романлари эълон қилинди. Ёзувчининг бу асарлари СССР халқлари ва бир қатор чет эл халқлари тилларига таржима қилинган».

Шундан сўнг мақола автори «Чинор» романи, унинг мазмуни ва ғояси, образларининг ҳаққонийлиги ва бадиийлиги хусусида фикр юритади. «Бир қарашда, «Чинор» романи,— деб ёзади В. Панкина,— афсона, ривоят ва ҳикоялар мажмуасига ўхшаб кўринса-да, воқеалар давомида ўқувчи келажакка кириб боради, курашчан кишилар иштирок қилаётган давримизнинг долзарб проблемаларига дуч келади. Хуллас, ёзувчи фольклор традицияларига (масалан «Минг бир кеча»дагидек) таяниб, совет кишиларининг ўйлари, тафаккур дунёси ва социалистик жамиятимизнинг ижобий фазилатларини жонли тасвирларда акс эттиради».

1972 йил журналнинг сентябрь сониди ёзувчи А. Мухторнинг «Ўзбек шеърятининг ёш авлоди ҳақида» мақоласи босилиб чиқди. Адиб 60-йилларда ўз

ижоди билан шеърятимизга кириб келган ва номлари шеърхонлар зикрига тушган А. Орипов, Г. Нуруллаева ва Ж. Камол ижоди хусусида тўхталади ва улар поэзиясидан намуналар келтириб, поэтик формаларининг ранг-баранглигини таърифлаб ўтади.

1982 йилда журнал ўз ўқувчиларини ўзбек совет адабиёти билан бирмунча кенгроқ таништиришга муваффақ бўлди. Шу йили унинг Ўзбекистон адабиёти ва санъатига бағишланган махсус сони нашр этилди. Тўпламининг поэзия бўлимида Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Уртоқ Ленин» достонидан парча, Уйғун ва Зулфия шеърлари, Шухратнинг «Она ер», Т. Тўланинг «Йигирма олтилар», «Тор», Р. Бобожоннинг «Меҳнат қўшиғи», «Пахта гулли пиёла», Э. Воҳидовнинг «Йўқолган шеър», «Бир томчи ёш», О. Матжоннинг «Ҳазил», шунингдек Р. Фарҳодий, О. Ҳожиева, Н. Нарзуллаев, Г. Нуруллаева шеърлари таржимаси ўрин олган. Шеърларни француз тилига Л. Бюроль, Л. Бертен, Л. Бальвер, Т. Богдан, А. Карвовский ва бошқалар таржима қилишган. Шеърлар уларнинг русчадаги мавжуд таржима вариантларидан ўгирилганлиги учун ҳам французчада сифати турлича чиққан, яъни русча таржима қай ҳолатда бўлса ўшанга монанд жаранглаган.

Масалан, Эркин Воҳидов шеърлари русчага Н. Панченко ва А. Налбандян томонидан таржима қилиниб келинади. Улар таржималари 1980 йилда Москвада чоп этилган шоирнинг «Узелок на память» тўпламидан ўқувчиларга яхши таниш. «Йўқолган шеър» ва «Бир томчи ёш» шеърларини французчага ўгиришган Л. Бальвер ва Л. Бюроль ҳам асл нусха ўрнида А. Налбандяннинг русча таржимасига мурожаат қилишган, албатта. Французча таржималар ҳар жиҳатдан ўзларининг русча вариантга монанд.

Абдулла Орипов шеърлари ҳам ўзидаги «жиддий фикр ва ҳис-ҳаяжон, образларининг эркинлиги ва янгилиги» (Қ. Кулиев) билан алоҳида ажралиб туради. Шоир шеърларини русчага Н. Гребнев, А. Преловский, В. Цибин ва бошқалар таржима қилишган. Н. Гребнев таржималарини таҳлил қилган мутаржимлардан бири «унинг ўзбекча текстга анча эркин муносабатда бўлишини ва оқибатда баъзи таржималари шеърнинг умумий руҳини очиб бергани билан шоирнинг бадиий маҳоратини тўла қайта ярата олмаганини» баён қилганида ҳақ эди. Дарҳақиқат, А. Орипов ва Н. Гребнев мисраларини солиштириб ўқиғудек бўлсак, русча тар-

жиманинг ҳам мазмун, ҳам бадий жиҳатдан оригиналдан узоқлашиб кетганининг шоҳиди бўламиз.

#### А. Ориповда:

Қаршимда ер шарин суврати турар,  
Салмоғи Қуванинг анорича бор.  
Тим қора осмонда порлаб кўринар,  
Шу жажжи сайёра кўркам, улуғвор<sup>30</sup>.

#### Н. Гребневда:

Заснятая со спутника Луны,  
Вот мать — Земля, округла и щербата.  
Она не больше кувского граната,  
На ней хребты и те едва видны<sup>31</sup>.

Хўш, таржимон киритган қўшимча ва ноаниқларга сероб бундай таржима «Она сайёра» шеърини хорижий тилларга ўгириш учун асл нусха ўрнини босиши мумкинми? Н. Гребнев вариантдан ўгирмоқчи бўлган таржимон нари борса французчага шеърни қуйидагича таржима қилиши мумкин.

#### Французча таржимада:

Менинг қаршимда Ернинг суврати:  
Пишиб етилган муштдек олмача келар.  
Бархит Самода менинг сайёрам,  
Силжийди улуғвор ва гўзал муқаррар.

Французча таржимада асл нусхадаги образли ифодалар ва метафорик тушунчаларнинг сийқалашиб қолгани кўриниб турибди. Француз шеърхони мисрадаги «Ернинг суврати»ни («Ер шарин суврати»ни эмас) «пишиб етилган муштдек олмача» («Қуванинг анорича» эмас) келишини ўқиб таажжубда қолмасмикин.

Машҳур француз шоири Луи Арагон (1897—1982) давра суҳбатларининг бирида поэзия таржимасига тўхталиб, шундай деганди: «Поэзияни бир тилдан иккинчисига ўгириш қарийб мумкин бўлмаган ҳодисадир. Бунинг машаққати менинг бошимдан ўтган. Бу билан шеърят таржимасини тамомила инкор этмоқчимасман. Аксинча, машаққатларни енгиб, унинг уддасидан чиқмоқ керакдир»<sup>32</sup>. Дарвоқе, таржима деган беминнат жабҳа бўлмаганида Луи Арагондек машҳур шоир ҳам ўз «буюклиги»ни оламга намоён этолмаган бўларди. Нафақат шоир шеърятини, балки унинг табаррук номи ҳам билолмаслиги мумкин эди халқимиз. Ёки, юқорида кўриб ўтганимиздек, Ғ. Ғулум, Уйғун, Зулфия,

<sup>30</sup> Орипов А. Йиллар армони. Шеърлар ва дostonлар. Тошкент, 1987, 210-бет.

<sup>31</sup> Арипов А. Любовь к жизни. М., 1980, с. 23.

<sup>32</sup> Қаранг: «Иностранная литература», 1978, № 4, с. 266.

Р. Бобожон, Э. Воҳидов, А. Орипов каби поэзиямиз салафларини французлар ҳам ўз она тилида ўқимаган бўлардилар. Шундай экан, Луи Арагон айтганидек, «машаққатларни енгиб» шеърин таржиманинг «уддасидан чиқмоқ» даркор.

Антологиянинг проза бўлиmidан К. Яшиннинг «Ҳамза», Ҳ. Фуломнинг «Мангулик», О. Ёқубовнинг «Диёнат», Шукруллонинг «Жавоҳирлар сандиғи», Т. Пўлатовнинг «Мулк» романларидан парчалар, Мирмуҳсин, С. Аҳмад, П. Қодиров, Ҳ. Умарбеков, Ҳ. Ҳошимов, М. Қориев ҳикоялари таржималари ўрин олган. Проза асарларини француз тилига Ж. Шампенуа, Л. Бертен, Л. Бутен, Т. Богдан ва бошқалар таржима қилишган. Болалар адабиёти бўлиmidа Ҳ. Назир, Қ. Муҳаммадий, П. Мўминларнинг ҳикоя ва шеърлари таржимаси берилган.

Тўпламнинг адабий танқид бўлиmidа ўзбек совет адабиётининг шаклланиши ва тараққиётини акс эттирувчи мақолаларни ўқиймиз. С. Азимовнинг «Халқ донолиги жавоҳирлари билан йўғрилган адабиёт» мақоласида Октябрь инқилобидан сўнгги даврда ўзбек адабиётининг қисқача тараққиёт йўли, Ойбек, А. Қаҳҳор, Ҳ. Фулом, О. Ёқубов, Р. Файзий, А. Мухтор, А. Удалов, С. Аҳмад, П. Қодиров, Ж. Абдуллахонов, Т. Қайипбергенов романлари, Ҳ. Усмонов, Н. Қобул, Э. Аъзамов, Ф. Камолов, М. Муҳаммад Дўст қиссалари, Уйғун, Зулфия, Ж. Оймирзаев, Р. Бобожон, Шукрулло, Мирмуҳсин, Э. Воҳидов, А. Орипов, О. Матжон, Б. Бойқобулов, Ҳ. Худойбердиева, Г. Нуруллаева шеърлари, К. Яшин, И. Султон, Т. Тўла, Ҳ. Умарбеков драмалари хусусида фикр юритилган. Шунингдек, П. Шермухамедовнинг «Ўзбек тарихий романи» мақоласида О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Мирмуҳсиннинг «Меъмор», Т. Қайипбергеновнинг «Қорақалпоқ достони», П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романлари атрофлича таҳлил этилган. Шоир Э. Воҳидов ва танқидчи У. Норматовнинг ижодий суҳбатида ўзбек шеърятининг шакл ва формалари хусусида баҳс юритилди. И. Ғафуровнинг «Муҳаббат ёғдуси» мақоласида эса Зулфиянинг адабий портрети яратилган. «Бизнинг авторларимиз» қисмида ўзбек адиблари ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача библиографик маълумотлар бериб ўтилган. Юқоридаги мақола ва библиографик маълумотлар француз китобхонини ўзбек совет адабиёти билан чуқурроқ танишувида катта ижобий роль ўйнайди, албатта.

XX аср француз шарқшунослигида ўзбек классик адабиётини тадқиқ ва таржима қилиш борасида бирмунча диққатга молик ишлар қилинганини олдинги бобларимизда кузатган эдик. Бироқ француз адабий жамоатчилигида ўзбек совет адабиётини ўрганиш, адибларимиз ижодидан таржима қилишнинг анча сустр кечаётганини ҳам қайд этиб ўтмоқ ўринлидир. Буни таниқли француз ёзувчилари, Гонкур академиясининг аъзолари Эрве Базен, Эмманюэль Роблес ва Андре Стилнинг «Леттр советик» журнали анкетасига берган жавобларидан ҳам билиб олиш мумкин.

Кўп миллатли совет адабиётининг Францияда тарғиб ва таржима қилинишининг сустр кечаётганини улар қуйидагича изоҳлайдилар. Масалан, Эрве Базен «тил билувчи моҳир таржимонларнинг жуда танқислиги»ни асосий сабаб қилиб кўрсатса, Эмманюэль Роблес «кейинги йилларда Луи Арагон ва у бош-қош бўлиб келган «Галлимар» нашриётининг совет авторлари асарларини нашр қилиш анъаналарини сусайтириб юборганини» айтди. «Совет адиблари асарларининг бизда кам нашр қилинишининг асосий сабабларидан бири,— деди А. Стиль,— таржимонлар билан ноширлар ўртасида муштаракликнинг йўқлигидир. Тўғриси, ноширлар ёзувчи ва таржимонлар билан ҳисоблашмайдилар, улар ўзларига маъқул бўлган буржуа идеологиясини хаспўшловчи китобларни кўпроқ чоп қилишади. Дарҳақиқат, Совет Иттифоқида француз авторларининг асарлари Францияда совет ёзувчиларининг китобларига қараганда икки баробар ортиқ нашр этилмоқда. Биз ҳам совет авторларининг китобларини кўпроқ нашр этишни йўлга қўймоғимиз лозим»<sup>33</sup>.

Таниқли адиб, СССР Давлат мукофоти лауреати Андре Стиль таъкидлаганидек, буржуа идеологияси ҳукмрон бўлган француз адабиёти ва танқидчилигида кўп миллатли совет адабиётини тарғиб қилиш, социалистик турмуш тарзини тасвирловчи китобларни таржима этишни кўп ҳам маъқул кўришавермайди, албатта. Масалан, 1956 йилда «Галлимер» нашриёти таниқли француз шоири ва адабиётшуноси Рэмон Кено ташаббуси ва муҳаррирлигида икки томдан иборат «Жаҳон адабиёти тарихи» номли энциклопедик характердаги китобни нашр этди. Француз адабиётшунослигида бирмунча эътибор қозонган бу энциклопедиянинг иккинчи томи XX аср жаҳон адабиёти тарихини ёритишга ба-

<sup>33</sup> Қаранг: «Леттр советик», 1987, № 341.



ғишланган. Иккинчи томдан ўрин олган «СССРдаги славян бўлмаган халқлар адабиёти» номли бобни адабиётшунос Т. Тальбо ёзган. У ўз бобида Урта Осиё халқлари адабиётига ҳаммаси бўлиб бир саҳифа ажратган ва жуда қисқа маълумот бериб ўтган. Энциклопедиянинг 1972 саҳифадан иборат иккинчи томи учун ўзбек, қozoқ, туркман, қирғиз, тожик, қoraқалпоқ адабиётларига ажратилган бир саҳифа шу адабиётлар хусусида қандай тасаввур бериши ҳам мумкин деб ўйлайсиз? Масалан, ўзбек совет адабиёти ҳақида М. Тальбо бор-йўғи қуйидагиларни маълум қилади: «Ўзбек адабиёти энг қадимий адабиётлардан саналади. Унинг қадимги чигатой тилида яратилган қисми энциклопедиянинг биринчи томида ёритилганди. Шоир Ғафур Ғуллом, романист Ойбек, новеллист ва драматург Абдулла Қаҳҳор, шоир Ҳамид Олимжон ўзбек совет адабиётининг таниқли вакиллари ҳисобланади. Уларнинг асарлари рус ва бошқа қардош халқлар тилларига таржима қилинган».

Шунингдек, «Қатта Ларусс энциклопедияси» ва «Бадний адабиёт лугати» сингари эътиборли нашрларда ҳам фақат Навоий, Бобур ва Абулғози Баҳодирхон ижоди ҳақида мақолалар берилган-у, аммо ўзбек совет адабиёти хусусида лом-мим дейилмаган.

Тўғри, кейинги йилларда ўзбек совет адиблари ижодидан айрим таржималар ва илмий мақолалар баъзан чоп қилинмоқда. Масалан, 1971 йилда нашр этилган «Шарқий тадқиқотлар» тўпламида А. Третьяковнинг «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарларига доир кузатишлар» мақоласи эълон қилинди. Автор Ҳамза ижодини ёритишдан олдин ўзбек адабиётининг ўтмишини, яъни қадимги даврдан то Октябрь инқилобига қадар тарихини қисқача таърифлаб ўтади. Мақолада инқилобдан олдинги йилларда шаклланган Туркистондаги жадидизм ҳаракати ва жадид адабиёти бирмунча кенгроқ таърифланган. Шунингдек, ўзбек адабиётидаги жадидизм ҳаракатининг революцион қаламкашлар томонидан танқид қилиниши ва бу борадаги «Қизил қалам» тўғарагининг актив кураш фаолияти ҳам реал баҳоланган.

Автор ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳаёти ва адабий фаолиятини ёритишда кўпроқ реалистик принципга амал қилган дейишимиз мумкин. Унинг таърифида, Ҳамза ижоди Муқимий, Фурқат, Аваз Утар, Завқий каби демократ шоирлар таъсирида шаклланган ва у ўзбек совет поэзияси ҳамда драматургиясининг майдонга келишида асосий роль ўйнаган

санъаткордир. «Революциядан сўнг,— ёзади автор,— Ҳамза ўзининг сайёр труппасини тузди ва у билан Туркистон фронтини айланиб чиқди. Бу даврда у 205 та томоша ва концерт кўрсатди. Ўз труппаси учун «Истибод қурбонлари», «Бой ила хизматчи», «Ким ҳақ», «Тўхматчилар жазоси» каби пьесаларини ёзди. Антракт пайтида Ҳамза актёрлари билан халқ қўшиқларини ижро этарди, уларга куй басталарди ва ўзи биргаликда куйларди».

А. Третьяков мақоласида Ҳамзанинг революцион фаолияти ва адабий ижодини бирмунча кенг таҳлил қилган, адибнинг ҳар бир асари устида тўхталиб ўтган, ҳатто «Биз ишчимиз!» ва «Ўзбек хотин-қизларига» шеърларини французчага таржима қилиб келтирган. Автор таржималари шеърларнинг асл нусхасига монанд жанглайди.

Мақоланинг охири «Ҳамзанинг давомчилари» деб номланган қисмида адиб традицияларини давом эттирган ўзбек совет адабиётининг кейинги авлоди ҳақида гапириб ўтилади. «Ислом шоир Назар ўғли (1872—1953), Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868—1937), С. Айний (1868—1954) Ҳамзанинг замондошлари саналса, кейинги авлодга мансуб Ф. Фулом, Ҳ. Олимжон, Ойбек, Ғайратий, А. Қаҳҳор, К. Яшин, Уйғун, С. Абдулла унинг шогирдларидир. Булар ҳам ўз устозларидек машҳур шоир ва ёзувчилар бўлиб етишдилар, унинг традицияларини давом эттирдилар», дея фикр юритади автор.

А. Третьяков мазкур мақолани ёзишда ўзбек адабиёти ва Ҳамза ижодига оид жуда кўп манбалардан фойдалангани тадқиқот сўнгида келтирилган библиографиядан кўриниб туради. Библиографияда Л. Арагон, Л. Гамби, М. Тальбо, Ж. Банзег каби хорижий авторлар ва В. В. Бартольд, Т. Н. Қори-Ниёзий, А. Н. Самойлович, Н. А. Баскаков, В. Виткович, Ю. Султонов, А. Бобохонов каби совет олимларининг ишларини ҳам учратамиз.

1982 йилда Францияда чиқадиган «Сюд» («Жануб») адабий журнали ўзининг 44—45-сонларини «Совет шеърляри» рубрикаси остида нашр қилди. Унда 21 миллатга мансуб 77 совет шоирининг шеърларидан намуналар берилган. Мазкур тўпламда шоира Зулфиянинг «Мен ўтган умрга», «Йиллар...» ва Абдулла Ориповнинг «Она сайёра» шеърларининг таржималари ҳам ўрин олган. Шеърларни французчага Анри Абриль ва А. Карвовскийлар таржима қилганлар.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, бугунги кунда ўзбек

совет адабиётини жаҳоннинг кўп тилларида, жумладан француз тилида ҳам ўқимоқдалар, шунингдек, француз китобхонлари ҳам ўзбек асарлари билан танишмоқдалар.

Ҳар икки адабиёт ўртасидаги дўстлик алоқалари сўнгги йилларда ўзбек ва француз адибларининг ўзаро учрашувларида ҳам кўринмоқда. Таниқли француз ёзувчилари А. Стилль ва П. Гамарранинг республикамизда бўлиши ва ўзбек адабиёти вакиллари билан учрашуви ёки шоир Омон Матжоннинг Францияга қилган сафари, француз поэзиясининг бугунги салафлари А. Боскье ва И. Бержере билан қилган ижодий суҳбатлари адабиётларимизнинг келгуси ҳамкорлигида ижобий самаралар бериши аниқ.

### Француз адиблари ижодида

#### Ўзбекистон ва ўзбек адабиёти тасвири

Ўзбек ва француз адабиётлари ўртасидаги алоқалар хусусида сўз юритадиган бўлсак, албатта, француз адиблари ижодида Ўзбекистон ва ўзбек адабиёти мавзунининг ёритилиш хусусида ҳам тўхтаб ўтмоқ лозим.

Тарихий манбаларга мурожаат қилгудек бўлсак, энг қадимги француз адабий ёдгорликлари бўлган халқ эпосларида ҳам Шарқ мавзунининг акс этганини кўра миз. Масалан, XIII асрда яратилган Шарқ мавзудаги «Окассен ва Николетта» қиссаси «Роланд ҳақида қўшиқ», «Тристан ва Изольда» каби ўрта аср француз адабиётининг бошқа эпослари қаторида машҳур бўлиб қолди. Бу қиссадаги ошиқ Окассеннинг асли исми ал-Қосим, унинг маҳубаси Николетта эса Мавритания подшосининг қизи — соҳибжамол малика прототипи эди<sup>34</sup>.

Кейинчалик машҳур француз адиблари М. Монтен (1533—1592) ўзининг «Тажрибалар», Ж. Расин (1639—1699) «Боязит», Вольтер (1694—1778) «Задиг ёки тақдир», Монтескье (1689—1755) «Эрон мактублари», Дидро (1713—1784) «Бевафо жавоҳирлар» каби асарларида ҳам Шарқ мавзуга қўл ургандилар.

XIX асрга келиб Шарқ мавзуи француз романтизми адабиётида ўз аксини топди. Айниқса, буюк француз

---

<sup>34</sup> Яхонтова М. А., Черневич М. Н., Штейн А. Л. Очерки по истории французской литературы. М., 1958, с. 30—31.

адиби Виктор Гюго (1802—1885) поэтик ижодида Шарқни куйлаш, ундан илҳомланиш асосий мавзулардан бирига айланди. 1828 йилда нашр қилинган «Шарқ куйлари» шеърый тўплами шоир романтизмнинг энг жўшқин саҳифаларидан биридир. Тўғри, Гюгога қадар ҳам Шарқ мавзуи Фарбий Европа адабиётида қаламга олинган, ҳатто Гёте Шарқи, Байрон Шарқи терминлари пайдо бўлгани маълум. Бироқ улар ичида Шарқнинг энг жонли тасвири Гюгонинг «Шарқ куйларида»да ўз аксини топган. «Гюгонинг «Шарқ куйлари» тўплами,— деб ёзган эди академик Г. Брандес,— нафис бўёқлар, жозибали куйлар, қуёш ёғдусида жилланган кўҳлик, туркларнинг ажиб наволари шу қадар гўзал, шу қадар серҳашамки, улар сўзлар воситасида қурилган гўзал кошонадир»<sup>35</sup>. Дарҳақиқат, Гюгонинг шарқий шеърларида фақат Шарқ экзотикаси ва романтикаси куйланибгина қолмасдан, балки халқ эрки, унинг озодлик йўлидаги кураши ҳам демократик принциплар асосида сўйдинлаштирилгандир.

XIX асрнинг сўнгги чорагида Европада фан ва цивилизациянинг жадал тараққий қилиши бадий адабиётда фантастика жанрининг такомиллашувига ҳам кенг йўл очиб берди. Бу давр француз ва жаҳон фантастик адабиётини машҳур ёзувчи Жюль Верн (1828—1905) ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Адиб қирқ йилдан зиёд давом этган ижоди давомида «Ажойиб ва ғаройиб саргузаштлар» деган умумий ном билан аталувчи олтмиш беш жилддан иборат романлари сериясини ёзиб қолдирди. Жюль Верн қаҳрамонлари ерда, сувда ва ҳавода, ер куррасининг барча қитъаларида ўз саргузаштларини давом эттирадилар<sup>36</sup>.

Жюль Верн романларининг муҳим хислатларидан бири, улардаги воқеа-ҳодисалар содир бўладиган географик жойлар тасвирининг ҳақиқатга фоят яқинлигидир. Шу нуқтаи назардан адибнинг «Клодиус Бомбарнак» романи эътиборни ўзига жалб қилади. Мазкур асар қаҳрамони Клодиус Бомбарнак Россияни Ўрта Осиё билан боғлаган Закаспий темир йўли орқали то Пекингача боради. Адиб ўз қаҳрамонлари тилида Ўрта Осиёни, шунингдек, Туркистон ўлкасини, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Марғилон, Қўқон шаҳарларининг географик ўрни ва табиий шароитини, маҳал-

<sup>35</sup> Брандес Г. Собрание сочинений. Том 9, СПб., 1896, с. 285—286.

<sup>36</sup> Қаранг: Холбеков М. Қашфиётларга йўлловчи адиб.— «Фан ва турмуш», 1975, 6-сон, 24—26-бетлар.

ний халқлар турмушини ҳақиқатга гоят яқин қилиб тасвирлайди. Масалан, китобнинг 12-боби Самарқанд шаҳри тарихи ва тасвирига бағишланган. Самарқанд шундай таърифланади: «Самарқанд Сугдиён водийсидан оқиб ўтувчи Зарафшон дарёси сугорадиган воҳада жойлашган. Вокзалдан сотиб олган рисоладан бу шаҳар ақоид олимлар «ажратган» фоний дунёдаги тўрт жаннатнинг бири эканлигини билиб олдим.

Бу шаҳар ҳам одатдагидек икки қисмдан иборат. Шаҳарнинг янги қисми ҳозирги замон архитектураси билан ажралиб туради. Шаҳар теварагини ям-яшил боғлар, ҳар иккала четига терак ўтказилган кўчалар, саройлар, боғ ва ҳовлилар, янги услубдаги шинам уйлар қуршаган. Эски шаҳар қадимги улуғвор ёдгорликларга бой. Уларни бошдан-оёқ ўрганиб чиқиш учун бир неча ҳафта керак бўлади»<sup>37</sup>. Шунингдек, автор томонидан шаҳардаги Бибиҳоним масжиди, Регистон майдони, Шоҳизинда ва Гўр Амир мақбараси каби тарихий ёдгорликларга ҳам бирма-бир таъриф бериб ўтилган.

Дарҳақиқат, адиб ўз ватандошлари каби Шарқни символик ва тўқима ифодаларда эмас, балки реал тасвирларга асосланган картиналарда ишончли қилиб китобхонга етказди. Бу эса ёзувчининг реализм методига қаттиқ амал қилганидан дарак беради, романда ҳаёт ҳақиқати бўртиб туради: «Аравакаш ўз отларини супурилган соя салқин кўчалардан йўрттириб илгари интиларди. Кўчалардаги йўловчиларнинг аксарияти турли-туман рангли чакмон кийиб олишган, бошларига эса салла ўрашган... Самарқандда қирқ мингга яқин аҳоли яшайди. Уларнинг кўпчилиги эрон тоифасига кирувчи тожиклар бўлиб, гавдалари чайир, қуёш нурида жигарранг тус олган. Уларнинг сочлари тимқора. Соқоллари ҳам қоп-қора ва қалин. Қўй кўз. Бурунлари ҳаддан ташқари чиройли, лаблари юпқа ва тишлари майда. Пешоналари кенг ва дўнг. Юз бичимлари чўзиқроқ».

Ёзувчининг бу қадар тасвиридан ўқувчи унинг ўзи: Урта Осиёда бўлган, одамлар билан учрашган деган тасаввурга эга бўлади. Аслида Жюль Верн бу ерларда бўлмаган, балки романи ёзишдан олдин Францияда нашр қилинган Урта Осиё ҳақидаги китобларни ўқиган, маълумотлар тўплаган, сайёҳлар билан суҳбатлашган.

<sup>37</sup> Верн Ж. Клодиус Бомбарнак. Роман. Тошкент, 1961, 101—102-бетлар.

Жюль Вернинг «Клодиус Бомбарнак» романи Урта Осиё халқлари, жумладан ўзбеклар турмушини ўзида реал ёритган бўлиб, то бу роман яратилганга қадар француз адабиётида халқимиз ҳаёти ва юртимиз тасвири бу қадар ойдин тасвирланмагандир.

Агар Улуғ Октябрь революциясига қадар Урта Осиёга саёҳат қилиб, у ҳақда таассуротлар ёзган адиб ва сайёҳлар кўпроқ Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлардаги архитектура ёдгорликлари хусусида ҳикоя қилган бўлсалар, инқилобдан кейин республика-мизга келган француз қаламкашлари унинг социалистик қиёфасининг тамомила ўзгарганлигини, ўзбек халқининг маданий турмуши кундан-кун яхшиланиб бораётганлигини, адабиёт ва санъати янги услубда тараққий қилаётганини ўз кўзлари билан кўрдилар ва улар Ўзбекистонда кўрган бу янгиликларини ўз асарларида реал тасвирлашга ҳаракат қилдилар.

Таниқли француз адиблари ва журналистлари Поль Вайян-Кутюренинг «Темурланг диёрида», Шарль Стебернинг «Совет Урта Осиёси ва Қозоғистони», Марсель Эгретонинг «Совет Шарқи», Луи Арагоннинг «Совет адабиёти», Андре Вюрмсер ва Луиза Мамакнинг «СССРга очиб қалб билан қараганда», Владимир Познернинг «Минг бир кеча», Клод Жоньернинг «Тошкент доласи» каби асарлари, Жан-Поль Сартр, Андре Стиль ва Пьер Гамарраларнинг мақола ҳамда интервьюларида Ўзбекистон, унинг меҳнаткаш халқи турмуши, маданияти ва адабиёти реал ва жонли эпизодларда тасвирланган.

Машҳур француз ёзувчиси, публицист ва жамоат арбоби, «Юманите» газетасининг бош редактори Поль Вайян-Кутюрё (1892—1937) илк бор Совет Иттифоқи-га 1921 йилда Коминтерннинг III конференциясида қатнашиш учун келган эди. Адиб бу ерда жаҳон пролетариатининг доҳийси Владимир Ильич Ленин билан учрашди ва суҳбатда бўлди. Бу учрашув коммунист ёзувчининг ҳаёти ва ижодида ўчмас из қолдирди. Вайян-Кутюрё Советлар мамлакатида юз бераётган ўзгаришларни кўриб, ўзининг «Янги ҳаёт қураётганлар» асарини ёзишни мақсад қилиб қўяди.

Вайян-Кутюрё иккинчи бор СССРга 1931 йилда Жаҳон революцион ҳаракати адабиёти уюшмаси ташкил қилган Интернационал агитбригада составида келди. «Литературная газета»нинг 9 апрель сонидида босилган «Вайян-Кутюрё СССРда» номли хабарда адиб қуйидаги интервьюни берганди: «Менинг Совет Итти-

роқига келишимдан мақсадим, бу ерда беш йиллик планнинг бажарилиши ва социализм қурилишининг боришини иштиёқ билан кузатаётган европаликлар, жумладан французларга шу ҳақда батафсил ҳикоя қилмоқдир».

Ёзувчи июнь ойида агитбригаданинг бошқа аъзолари, шунингдек, немис адиби Эгон Эрвин Киш, поляк ёзувчиси Бруно Ясенский, америкалик профессор Жошца Кюниц ва бошқалар билан бирга Тошкентга келади. Бу ерда у шаҳарнинг ўзгараётган қиёфасини, янги турмуш қуриш йўлида меҳнат қилаётган аҳолисини кўради.

Ўзбек адабиётининг бўлғуси етук авлоди вакиллари Ғ. Ғулум, Ҳ. Олимжон, Н. Охундий, Р. Мажидий, О. Раҳимийлар билан ижодий суҳбатда бўлади. Шундай ижодий кечаларнинг бири Ғафур Ғулум уйида бўлиб ўтганди. Дарвоқе, Вайян-Кутюрье Ғафур Ғулум ҳақида шундай ёзади: «У ажойиб очеркист ва новеллист. Ғафур Ғулум ўзбек тилига Маяковскийни, Демьян Бедний ва Иоганнес Бехерни таржима қилган. Она тилида янги дунё тушунчаларини бериш учун янги сўзлар яратишга тўғри келади, кўпчиликнинг иқрорига қараганда у буни заковат билан ўринлатар экан. Бугун унинг атрофига туркманлар, ўзбеклар, қирғизлар, қозоқлар, тожиклар, руслар ва татарлар, қўйингки, ҳамма ёшлар йиғилган»<sup>38</sup>.

Ўзбекистон адабий жамоатчилиги билан бўлган ижодий учрашувлардан сўнг Вайян-Кутюрье социалистик тузумни тараннум этаётган ўзбек совет адабиёти ҳақида шундай хулосага келади: «Янги, мисли кўрилмаган адабий муҳитда ўзининг шеърий салоҳияти пўлатини социализм ишига фойда келтирадиган шаклда қўйишни мақсад қилиб олган, миллий маданият манфаатлари ва инқилобий лиризм, сиёсий ирода билан тўлиб-тошган, саккиз миллатга мансуб бўлган бу ишчи-ижодкорлар даврасида киши ўзини бахтиёр сезади.

Биз бу ерда адабий кафелардан, «сен мақтасанг — мен мақтайман»лардан, журналистлар сотқинлиги ва публицистик қабоҳатдан нақадар йироқдамиз»<sup>39</sup>.

Катта завқ-шавқ ва ижодий режалар билан Ватанига қайтган адиб 1932 йилда ўзининг «Темурланг диёрида» очерклар китобини нашр эттирди. Рамзий номдаги

<sup>38</sup> Л. Вайян-Кутюрье. Тошкентда шоирлар кечаси.— «Шарқ юлдузи», 1974, 4-сон, 130-бет.

<sup>39</sup> Уша манба, 130—131-бетлар.

бу китобдан ўрин олган 24 та очеркда ёзувчи Урта Осиё республикалари, жумладан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси меҳнаткашларининг «Беш йилликни тўрт йилда бажариш» руҳида яшаётганликларини ўз халқига ҳикоя қилиб беради. Шунингдек, ёш ўзбек совет адабиёти ва маданиятининг социалистик реализм принциплари асосида шаклланаётганини ҳам ёрқин мисоллар билан француз адабий жамоатчилигига етказилади.

1939 йилда Париждаги «Эдиссон социал» нашриёти француз журналисти Шарль Стебернинг «Совет Урта Осиёси ва Қозоғистони» номли очерклар китобини нашр этди. Китоб ўн боб, хулоса ва иловани ўз ичига олади. Китобдаги очерклар илмий-тарихий планда ёзилган. Еттинчи очерк «Ўзбекистон» деб номланган бўлиб, унда автор дастлаб Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил топиши, географик ўрни, аҳолиси ва иқтисодий тараққиёти ҳақида аниқ маълумотлар бериб ўтади. Ўзбек халқи ҳаёти, унинг узоқ ўтмиши ва социализм қуриш йилларидаги турмуш тарзи билан ўз ўқувчисини мукамал таништириш ниятида бўлган автор кейинги бобларни «Самарқанд», «Бухоро» ва «Тошкент» сингари республиканинг марказий шаҳарлари номи билан атаркан, ўз мақсадини шу шаҳарлар тарихи ва ҳозирги ҳолатини тасвирлаш орқали амалга оширмоқчи бўлади. Дарҳақиқат, автор ўз мақсадига эриша олган. Китобни ўқиган китобхон бунга тўла ишонч ҳосил қилади. Эндиликда, бу ерда янгича тузем мактаблари, театр, шифохона, клуб ва магазинлар барпо этилган, рус ва ўзбек тилларида газеталар чиқа бошлайди, китоб нашр қилинади. Инқилобдан кейин эса, Тошкент саноат, фан ва маданият марказига айланади. Қатор заводлар, фабрикалар қад кўтарди, маданият ўчоқлари ва олий ўқув юртлири очилади. Инқилобга қадар саводсиз бўлган ўзбеклар, эндиликда ёппасига саводхон бўлишга киришадилар. Хуллас, барча янгича турмуш, янгича ҳаёт йўлида фаол меҳнат қиладилар. Автор ўз китобида шу ҳақда мароқ билан ҳикоя қилади. Китобда келтирилган аниқ рақамлар, фактлар ва воқеалар унинг ҳикоясини яна ҳам равшанлаштирганини кўрамыз.

Машҳур француз ёзувчиси, файласуф ва публицист Жан-Поль Сартр ҳам 1954 йилда Ўзбекистонда меҳмон бўлган. Уша йилиёқ француз газетаси «Либерасьон» ўз саҳифасида ёзувчи билан суҳбатини эълон қилган. Бу суҳбатда Сартр Совет Иттифоқида кўрган-кечирган-



ларини француз газетхонларига ҳикоя қиларкан, буржуа газеталарининг СССР шаънига тўқиган уйдирма ва бўҳтонларини кескин қоралайди. Масалан, ёзувчига «Ўзбекистон ҳақида гапириб берсангиз. У ерда маҳаллий маданият деб аташ мумкин бўлган маданиятнинг ўзи борми?», деб савол берганларида у шундай жавоб қилади: «Ўзбекистонда жуда бир муҳим ва жуда қизиқ нарса бор... 1914 йилда ёппасига саводсиз бўлган ва юзларини беркитиб юрган Ўзбекистон хотин-қизлари эндиликда озодликка чиққанлар». Ўзбек маданияти ҳақидаги фикрини давом эттираркан, «яна қизиқарли томони шундаки, фан асосида ривожланаётган, ҳозирги замон даражасида бўлган ўзбек маданияти халқ оғзаки адабиёти билан чамбарчас боғланиб кетган. Ўзбеклар ўзларининг қадимий музика асбобларини янгидан такомиллаштирганлар. Бу ҳол уларнинг ҳозирги замон музыкаларига халқ музыкаси хусусиятларини берган. Бир қанча ўзбек опералари яратилган. Халқ ўз миллий драмасини, ашула ва рақсини, прозасини яратди. Музика академияси ва консерваторияси барпо этилган. Бу ўқув юртларида классик ва халқ қўшиқлари ўрганилмоқда»<sup>40</sup>, — дейди адиб.

Дарҳақиқат, Совет Иттифоқига, жумладан Ўзбекистонга қилган сафарлари кўплаб ғарблик адиблар дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатди. Уларнинг кўпчилиги Иттифоқимиз ва республикамиздаги қайноқ ҳаётнинг турли жабҳалари билан шахсан танишиб чиққач, ўзларининг олдинги буржуача қарашларига барҳам берган эдилар. Француз ёзувчиси Жан-Поль Сартр дунёқарашада ҳам шу ҳодиса кечган эди. У Иттифоқимизга қилган сафаридан сўнг социалистик турмуш ғояларига нисбатан ўзининг олдинги пессимистик ақидаларидан воз кечди ва совет кишилари ҳамда улар бажараётган улуғ ишларнинг тарафдори бўлиб қолди. Совет мамлакатадаги ҳаётнинг ва совет кишилари ғояларининг қайси жиҳатлари унга кўпроқ маъқул бўлганини сўрашганларида, адиб шундай жавоб берганди: «Мени ҳаммадан кўп ҳайрон қолдирган нарса шуки, у ерда индивидуум билан жамият, ғурур билан ҳаққоний ғурур бир-бирига чирмашиб кетган. Шахсий манфаатларни жамият манфаатларидан ажратиб бўлмайди. Бироқ оддий кишилар жамиятнинг сайланган қисмига таъсир кўрсата олишлари менга маъқул тушди. Совет-

<sup>40</sup> Окунь Г. Б. Чет эллик ёзувчилар Ўзбекистон ҳақида. Тошкент, 1965, 36-бет.

ларда жамиятнинг илғор қисмига мансуб бўлиш — бу доим юксак талабларга жавоб бера олиш демакдир. Жамиятнинг илғор доираларига юқоридан ҳам, қуйдан ҳам тазйиқ курсатилади. Мансаб қанча юқори бўлса, юқоридан талаб ҳам шунча баланд бўлади, қуйдан эса уни доим танқид остига олиб турадилар»<sup>41</sup>. Дарвоқе, машҳур адиб ватанимизнинг, халқимизнинг яқин дўсти бўлиб қолади.

1959 йилда француз журналисти Марсель Эгрето ўзининг «Совет шарқи: Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон республикалари» номли очерклар тўпламини нашр эттирди. 1958 йилнинг февраль-май ойларида Урта Осиё, Қозоғистон ва Озарбайжон республикаларида бўлган М. Эгрето меҳнат илғорлари: ишчилар, колхозчилар, олимлар, адиб ва санъаткорлар билан суҳбатда бўлиб, уларнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти хусусида ўз очеркларида ҳикоя қилади.

М. Эгрето совет республикаларидаги долзарб ҳаётчи, социалистик турмушни, халқ фаровонлигини ўз кўзи билан кўраркан, буржуа идеологияси тазйиқида ёзилган социалистик жамиятни жон-жаҳди билан қораловчи айрим китоблардан ўзини четга олади. Коммунист ёзувчи Поль-Вайян-Кутюръенинг «Темурландиёрида» асарига суяниб, унинг сюжетини давом эттиришга интилади. Шунингдек, Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари халқларининг ўтмиши ва бугунги кунини тасвирлашда С. Айний романларининг французча таржималаридан иллюстрация сифатида фойдаланади. Бу эса асар сюжетини янада ишонарли қилиб кўрсатган.

Китобдаги очеркларда, авторнинг, айниқса ўзбек олимлари, ёзувчилари, композиторлари, врачлари ва пахтакорлари билан қилган суҳбатлари жонли эпизодларда тасвирлангани ўқувчининг диққатини ўзига жалб этади. Масалан, ўзбек академиги, таниқли олим Т. Н. Қори-Ниёзий ҳақида автор шундай ёзади: «Ўзбек академиги Т. Н. Қори-Ниёзий қомусий билимга эга бўлган киши: у математик, археолог, тарихчи... Инқилобдан кейинги йилларда республикада саводсизликни тугатиш ишида ҳам жонбозлик кўрсатган зиёлилардан ҳисобланади... У 1898 йилда Фарғонада туғилган. Отаси этикдўз бўлган экан. Уғлининг саводли бўлишини истаб, уни эски мактабга ўқишга беради. Бироқ унинг

<sup>41</sup> Уша асар, 37-бет.

оёғини боғлашиб, то қон чиққунча товонигача савалаб, сўнгра туз тиқишганидан сўнг мактабдан қочиб кетган экан». Ёки машҳур ўзбек композитори Мухтор Ашрафий тўғрисидаги ҳикоя ҳам қизиқарли тасвирланган: «Мен Мухтор Ашрафий билан унинг «Дилором» операсининг қўйилиши арафасида учрашдим. У Совет Иттифоқидаги энг машҳур композиторлардан саналади. Ўзбек миллий консерваториясининг дирижёри. 1912 йилда Бухорода туғилган. Отаси тўйма-тўй, юртма-юрт юрган саёқ музикачи бўлган. Уғлининг ўзига ўхшаб дарбадар ҳаёт кечиришини истамаганидан, дастлаб унинг музикачи бўлишига қаршилиқ қилибди. 1924 йилда ёш Мухтор Бухородаги янги очилган музика мактабига ўқишга киради ва ўз истеъдодини намоён қилади».

Ўзбек адабиёти ҳақида фикр юритар экан, автор А. Навоий, Фурқат каби классиклар, Ойбек, Ғ. Ғулум, Уйғун сингари ўзбек совет адибларининг номларини ҳурмат билан тилга олиб ўтади. Уларни Урта Осиё халқлари классиклари ва ҳозирги замон ёзувчилари қаторида таърифлайди. Китобдаги яна бир диққатга сазовор ҳодиса, бу ўзбекча, қозоқча, қирғизча, туркманча, тожикча, озарбайжонча миллий сўзларнинг асл ҳолатида транскрипция қилиб берилишидир. Француз китобхонлари бу сўзларнинг саҳифа остидаги изоҳларини ўқиб маъносини осонгина тушуниб олишади, албатта.

Яна бир машҳур француз адиби, журналист ва адабиётшунос олим, ФКП аъзоси Андре Вюрмсер (1899—1984) уруш йиллари Л. Арагон, П. Элюар каби қаламкашлар билан бир сафда Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати адабиётининг актив иштирокчиларидан бўлган. Урушдан кейинги йилларда у Франция матбуоти миллий федерациясининг вице-президенти, «Юманите» газетасининг адабий ходими вазифаларида ишлаган пайтида бир неча бор Совет Иттифоқида бўлган. 1959 йилда А. Вюрмсер рафиқаси, журналист Луиза Мамаик билан Совет Иттифоқида узоқ муддат меҳмон бўлади. Мана шу сафар самараси ўлароқ уларнинг «СССРга очиқ қалб билан қараганда» номли очерклар китоби юзага келади<sup>42</sup>. Китобдаги «Қишанларни улоқтирган Ўзбекистон ва инсоннинг улғайиши» деган катта бир боб Совет Ўзбекистони сафаридан олинган таассуротлар асосида ёзилган. Бу очеркда француз қаламкаш-

<sup>42</sup> Мазкур асар рус тилида ҳам нашр қилинган: Мамаик Л., Вюрмсер А. СССР открытым сердцем. М., 1961.

лари жуда ҳақли равишда чуқур сиёсий ва фалсафий хулосаларга келадилар. Ҳар бир хонадонда кўзга ташланадиган социалистик турмуш тарзини, меҳнат ва ҳаёт гаштини сураётган совет халқини, тубдан ўзгарган Осиёни ўз кўзи билан кўрган меҳмонлар республикамизнинг дўстлари бўлиб қолганликларини баён этадилар. Улар пойтахтимиз Тошкентда бўлар эканлар, янги кварталларни, европача типдаги турар жой биноларини, театр, кино, кутубхона, маданият саройлари ва истироҳат боғларини кўриб қувонадилар.

Адиблар Мирзачўлда ҳам бўладилар. Чўл бағрида ястанган ғўза пайкаллари ҳосил қилган яшил «гиламлар» уларга бир олам завқ бағишлайди. «Бу гиламлар янги дунёнинг «жойнамоz»ларидир. Уларнинг фарқи, одамлар бу ерда осмондан нажот сўрамайдилар, балки ер бағрини очиб, оби-ҳаёт олиб ўтадилар», дея таърифлайдилар. Муаллифлар очерклариде республикамиздаги ҳаётни Франциянинг мустамлакалари бўлган мамлакатлардаги ҳаёт билан таққослайдилар ва Ўзбекистондаги ҳаётни улардан ҳар томонлама устун қўядилар. «Ўзбекистон республикаси колхозларида Франция районларидагидан кўра кўпроқ аҳоли яшайди. Бу ерда кўзлаб турар жой ва мактаблар бор. Бу мактабларнинг аксарияти ўрта мактаб бўлиб, қишлоқ ёшларига таъминан Франциядаги бакалавр (ўрта таълимнинг бир тури — М. Х.) мактаблари даражасига тенг маълумот беради. Ҳар колхознинг бир ёки бир неча кутубхонаси, катта қишлоқ хўжалик машиналари парки ва ремонт устахоналари, жуда кўп мутахассислари, магазинлари, тўғараклари, шунингдек колхознинг ўз бюджети, сайлаб қўйиладиган правленийеси бор».

Шунингдек, кейинги лавҳаларда Фарғона водийсидаги пахтазорлар, колхоз ва совхозлар экономикаси, социал турмуш кўринишлари, илм-фан ва маданият ўчоқлари таъриф қилинади. «Геолог», «Кутубхоначи» очерклариде эса таниқли олим Иброҳим Ҳамрабоев ҳамда Тошкент Давлат университети кутубхонаси директори Малика Узоқова ҳақида ҳикоя қилинади. Бобдаги «Янги замон кишилари ва эски шаҳар» деб номланган лавҳада Самарқанд ва унинг аҳолисига кенг таъриф берилади. А. Вюрмсер ва Л. Мамиак республикамиз ҳаёти ҳақида ўз мулоҳазаларини жуда қизиқарли тамомлаганлар: «Ҳақиқатан ҳам, янги ташкил бўлган колхозларни черкови XVI асрда, йўллари эса қадимги римликлар томонидан қурилган француз қишлоғига қиёслаштириш инсофдан эмас!» Француз адибларининг бу рамзий

баҳоси, уларнинг совет халқлари, жумладан ўзбек халқига билдирган чексиз ҳурмати ва биродарлигидан нишонадир.

Таниқли француз ёзувчиси ва публицисти Владимир Познер (1905 йилда туғилган) ижодида тинчлик ва демократия идеалларини тараннум этиш бош мавзулардан ҳисобланади. У Ҳазоир халқининг мустамлақачиликка қарши урушида актив иштирок қилган ва ўзининг «Ҳукм ижро этилган жой» ҳикоялар тўпламида озодлик йўлидаги мана шу кураш воқеаларини тасвирлаган. Адибнинг кейинги бир қатор йирик асарларида ҳам инсон эрки, унинг тарихий конфликтларга муносабати биринчи планда туради.

В. Познер Совет Иттифоқига қилган саёҳатлари таассуротларини иккита публицистик китобида акс эттирган. Унинг «СССР» китоби 1932 йилда, «Минг бир кеча» номли очерклар тўплами эса 1967 йилда босилиб чиқди. У улур рус ёзувчиси Л. Н. Толстой ҳақидаги тадқиқотнинг, совет адабиётининг асосчиси М. Горький ҳақидаги хотиралар китобининг ҳам авторидир. Бир қатор рус ва совет ёзувчиларининг асарлари В. Познер таржимасида француз китобхонига етиб борди.

Ёзувчининг «Минг бир кеча» очерклар тўпламидан «Сибирдан Кавказгача», «Ўрта Осиёдан Арктикага», «Петербургда — Ленинград», «1917 йилдан 1967 йилгача» очерклари ўрин олган. Адиб Ўзбекистон ҳақидаги очеркни Тожикистондан Самарқандга келишидан бошлайди. Қарийб икки саҳифада Самарқанд шаҳри тарихига доир воқеаларни баён қилгач, автор янги тузум ва янги давр хусусида, унинг одамлари ҳақида ҳикоя қилади.

В. Познер «Бибихоним» мачити ёнидан бозор томонга ўтаркан, унинг пештоқидаги «Пролетар интернационализи байроғини баланд кўтарайлик!», «Яшасин халқлар ўртасидаги дўстлик ва тинчлик!» шиорларига кўзи тушади. Бозорга кираверишда қотмадан келган колхозчи йигит билан танишади ва суҳбатлашади.

«— Қайси юртдан келгансиз? — деб сўради мендан ўша йигит.

— Франциядан,— жавоб бердим мен.

Шунда йигит мен билан самимий кўришиб, яна деди:

— Францияга саломлар бўлсин! Қайси шаҳардан бўласиз?

— Париждан.

— Парижлик дўстларга ҳам биздан салом айтасиз.

Мен ҳам ундан сўрадим:

— Ўзингиз нима иш қиласиз?

— Мен тракторчиман. Далада трактор ҳайдайман...»

Автор Самарқанд ҳақидаги очеркида шаҳар ҳуш-жамолини таърифлаш билан қаноатланибгина қолмайди, балки ўз ўқувчисини у ерда яшовчи ўзбекларнинг турмуши, социализм қурилишининг фаолликлари, шаҳар ёшларининг бугунги ҳаёти билан таништиришга ҳаракат қилади. Айниқса, китобда Самарқанд дорилфунунларида таълим олаётган студентларнинг кундалик фаолияти жонли тасвирланганини кўрамиз. Меҳмонимиз Самарқанд Давлат университети чет тиллар факультетининг талабалари билан танишади, ҳатто уларникида меҳмон ҳам бўлади.

Бир эпизодда талабаларнинг француз адабиёти тарихини, классикларининг, ҳозирги замон ёзувчиларининг ижодини ҳам яхши билишлари уни ҳайратга солади ва шу суҳбатни китобда қуйидагича тасвирлайди.

«— Сиз француз классикларини биласизми?

— Ҳа, албатта.

— Масалан, кимларни?

— Стендаль, Бальзак, Флобер, Мопассан, Золяларни.

— Университетда уларни ўқиш шартми? Сиз немис тилини ўрганаётган экансиз.

— Албатта. Бироқ, биз бу ёзувчиларни мактабдаёқ ўқиганмиз.

— Поэзияда-чи? Қайси шоирларни биласиз?

— Вийондан бошлаб,— жавоб қилди талаба.

У мени алдамаяптимикин. Йўқ, у давом эттирди:

— Робер Десносни жуда яхши кўраман. Сиз уни танийсизми?

— Ҳа, мен уни танийман.

— Бахтга қарши вафот этди».

Суҳбат шу тариқа давом этади.

Владимир Познернинг китобида республикамиздаги турли тоифага мансуб кишилар: студентлар, олимлар, пахтакорлар, ишчилар, маданият ходимларини учратамиз, авторнинг улар билан қилган суҳбатлари билан танишамиз. Қадимий шаҳарда бахтли ва фаровон ҳаёт кечираётган янги замон кишилари турмушини Шаҳризод ривоятларидаги қаҳрамонларга қиёслаган адиб, китобига ҳам «Минг бир кеча» деган рамзий номни танлагани бежиз эмас, албатта.

Халқимиз ҳаёти, социалистик турмуш тарзи нафа-

қат француз публицистлари асарларида, балки француз бадий адабиётида ҳам мавзуга айланганининг шоҳиди бўламиз. 1977 йилда Париждаги «Арк ан сизл» нашриёти ёзувчи Клод Жоньернинг «Тошкент лоласи» номли сентиментал романини нашр қилди. Ҳозирги замон француз адабиётида сентиментал проза жанрига асос солганлардан бири, француз адибаси Клод Жоньер 70-йилларда Совет Иттифоқига ташриф буюриб, Москва, Ленинград, Сибирь ва Ўрта Осиёда бўлган. Адибанинг совет халқига эҳтироми туфайли ёзилган юқоридаги романининг бош қаҳрамони тошкентлик қиз Аня Шокирова бўлиб, у бир ойча Клод Жоньерга ҳамроҳлик қилган. Мана шу бир ой ичида Анушка Шокирова, адиба ва унинг ҳамроҳларининг Иттифоқимизда кўрган-кечирганлари саргузашт қисса тариқасида асар сюжетига сингдирилган. Китобхон қаҳрамонлар саргузаштларини ўқиркан, Москва ва Ленинград кўчаларида сайр қилади, музей ва театрларда бўлади, ёзувчи ва санъаткорлар билан учрашади. Сибирь кенгликларида, Ўрта Осиё республикаларининг боғу роғларида кезади. Анушканинг туғилган шаҳри Тошкент билан танишади, унинг одамлари билан суҳбатда бўлади. Қаҳрамонлар ўз саргузаштларида ўтмишни ҳам эслайдилар. Уруш йилларида совет халқларининг мардонавор олиб борган кураши, Анушка Шокированынг ота-онаси Тошкентга эвакуация қилиниб, ўзбек хонадонларида тарбия топгани, даҳшатли зилзила пайтида шаҳар аҳолисининг кўрсатган жасорати, шуларнинг ҳаммаси жонли эпизодларда ўз бадий ифодасини топади. Адибанинг Ватанимиз қиёфасини, халқимизнинг бугунги турмушини, унинг характери ва инсоний фазилатларини ёрқин тасвирларда француз китобхонига етказиб бериши, капитализм дунёсидаги советларга қарши бўҳтон ва тухматлардан иборат ўнлаб китобларнинг «ясама сюжет»ларига зарба берувчи ҳаққоний асардир.

Кейинги йилларда Ватанимизга ташриф буюрган машҳур француз ёзувчилари Андре Стиль ва Пьер Гемарра ҳам Ўзбекистон, ўзбек халқи ҳамда ўзбек адабиёти ҳақида қалб сўзларини айтган эдилар. Масалан, коммунист адиб Андре Стиль 1982 йилда Совет Иттифоқидан меҳмон бўлганида Ўзбекистонга ҳам келган эди. «Совет адабиёти» («Леттр советик») журнали ёзувчининг «Йўл хотиралари дафтари»дан айрим саҳифаларни ҳамда совет телевидениесига берган интервьюсини эълон қилди. Пойтахтимиз Тошкентнинг бугунги

жамолига маҳлиё бўлган ёзувчи уни таърифларкан: «Тошкент худди Москвадек улуғлашиб бораётган шаҳар. Ундаги турар жой бинолари шарқона услубда зўрдид билан безатилган. Бугунги кунда Тошкентда бўлиб ўтган табиий офатдан асар ҳам қолмаган. Утган вақт ичида қурилиш бир зум ҳам тўхтамади. Қардош республикалар унга ёрдам қўлини чўзишди ва ҳар бири Тошкентга ўз «шаҳарчаси»ни инъом этди. «Халқлар дўстлиги» саройининг қад кўтариб туриши мана шу биродарлик рамзидир»<sup>43</sup>,— деб ёзади.

«Бухоро ва Самарқанд. Биринчиси ўз тарихий воқеалари, иккинчиси эса қадимий обидалари билан машҳурдир,— давом этади у.— Бухоро Садриддин Айнийнинг туғилган юрти. Мен у ерда адиб ётган амир авахтасини ва у таҳсил олган мадрасани ҳам бориб кўрдим. Самарқанднинг Регистон майдонидаги савлат тўкиб турган минораларни айтмайсизми! Уларнинг безакларидаги нафис бўёқлар қайтарган заррин нурлар кўзингизни қамаштиради...»

Шунингдек, француз ёзувчиси, «Эроп» журналининг бош редактори Пьер Гамарра ҳам ўзбек адабиётшуноси П. Шермухамедов билан қилган суҳбатида қуйидагиларни айтган эди: «Ўзбекистон менда кучли таассурот қолдирди. Тошкент шаҳрининг кўрки, жамоли, олиб борилаётган ажойиб қурилишлар кўлами, гўзал Самарқанднинг афсонавий қиёфаси, архитектура ёдгорликлари — булар ҳаммаси кишида ажойиб, унутилмас таассуротлар қолдиради. Мен Ўзбекистоннинг қайси бир гўшасида бўлмайин, одамларнинг яшаш, қуриш, яратиш иштиёқи билан банд эканлигига гувоҳ бўлдим...»<sup>44</sup>

Андре Стилль ва Пьер Гамарра каби таниқли санъаткорларнинг республикамизнинг бугунги кўрки, шаҳарларимиз жамоли, халқимиз турмуши, маданиятимиз ва адабиётимизнинг равнақи ҳақида айтган ҳақиқат сўзлари фарбдаги биродарларимизни қувонтирса, фаразгүй душманларимизнинг бўҳтонларига қақшатқич зарба бериши турган гап. Ўз навбатида, биз ҳам юқоридаги адиблар ижодини халқимиз орасида тарғиб қилиб, асарларини ўз тилимизга таржима этиб келмоқдамиз.

<sup>43</sup> «Леттр советик», 1983, № 299, 162—167-бетлар.

<sup>44</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1985 йил 15 декабрь.